

Агар биз олдимизга қўйган мақсад-марраларга тезроқ етмоқчи бўлсак, ўзимиз кураётган адолатли, эркин ва фаровон ҳаётни тезроқ кўрмоқчи бўлсак, аввало, шу мақсадга эришиш, ҳаётимизда демократик тушунчаларни қарор топтириш учун бел боғлаган инсонлардан ўз бурчини, зиммасига юкланган вазифани сидқидилдан адо этиш талаб қилинади. Шу жумладан, жамиятимизнинг барча бўғинларида хизмат қилаётган раҳбарлар ва мутасадди ходимлардан ўз ишини виждонан бажариш, журналист аҳлидан эса уларнинг фаолиятига танқидий кўз билан, аynи вақтда холисона қараш, рўй бераётган камчилик ва нуқсонларни очиб бериш талаб этилади.

(Президент Ислom КАРИМОВнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табрик хатидан.)

Қисқача

27 июнь кuni Республика Прокуратураси қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш Марказида Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.


28 июнь кuni Ўзбекистон Республикаси Олий судида Суд-ҳуқуқ тизимида олиб бoриладиган ислохотларни, янгилик ва ўзгаришларни кенг оммага етказиш, Олий суд Пленумининг қуйи судларга бўлган раҳбарий тушунтириш ва кўрсатмаларини тарғиб қилишга доир брифинг ўтказилди.

Бизни қутладилар

27 июнь кuni мамлакатимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари ўзларининг касб байрамларини қизғин нишонладилар. Байрам муносабати билан тахририятимиз ўз мухлисларидан, доимий ўқувчиларидан кўплаб табриклар олди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раиси Б.Эшонов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари, Республика ҳарбий прокурори Б. Дехқонов, Тошкент шаҳар прокурори вазифасини бажарувчи М.Мирзаев, Андижон вилоят прокурори У.Шамсиев ва Хоразм вилоят прокурори Д.Исроиловлар байрам табриклари йўллаб ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан қизғин қутлашди.

Истиқлол ИНШООТЛАРИ

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ



Суратлар муаллифи А.ТўРАЕВ

Моҳият

Сабот ва чидамдан бошқа нарсаси бўлмаган миллатнинг ҳамма нарсаси бўлиши мумкин ва сабот-матонатдан бошқа ҳамма нарсаси бўлган миллат ҳеч нарсасиз қолиши мумкин. Бир одамнинг саботи буюк бир миллатни ислоҳ қилишга қодир.

Абдурауф ФИТРАТ

«HUQUQ»

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq
ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma № - 2649	
Nusxasi - 20609	
Bosmaxonaga topshirish vaqti	20.00
Bosmaxonaga topshirildi	21.15
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi	
Navbatchi muharrir: H. NISHONOV	
Navbatchi: N. MAHMUDOV	
Sotuvda erkin narxda	
1 2 3 4 5 6 7 8	

ЖИНОЯТНИ ЯШИРИШ ҲАМ ЖИНОЯТ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жиноятчиликка қарши кураш, қонун устиворлигини таъминлашда катта тажриба тўплади. Энг асосийси, ана шу даврда халқимизнинг тинчлиги ва оқилолиги сақланди.

Жиноятчиликка қарши кураш битта ёки иккита идоранинг вазифаси эмас. Менинг назаримда ҳар бир фуқаро юртимизнинг тинчлиги ва оқилолиги учун курашиши шарт.

Ватан келажаги учун масъулликни ҳар бири виждони уйғоқ инсон ўзининг муқаддас бурчи деб билиши керак. Содир этилган жиноятлар таҳлиliga келсак, кейинги йилларда қўтиллик, босқинчилик, талончилик, баданга оғир шикаст етказиш жиноятлариға қарши курашда яхши натижаларга эришдик. Жиноятларни фож этиш, тергов қилиш ва жазо муқаррарлигини таъминлашда ҳам ижобий ишлар амалга оширилди. 2000 йилда аввалги йилларга нисбатан умумий жиноятчилик 2 фоизга камайишига эришилди. Биргина талончилик 11,5 фоизга камайган. Шу билан бирга муаммолар ҳам мавжуд. Ҳусусан, оғир ва ўта оғир жиноятлар 4 фоизга, қасддан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш 5,3 фоизга кўпайган.

Содир қилинган ҳар бир жиноятнинг жамиятга етказадиган моддий ва маънавий зиёни ҳақида тўхталмоқчи эмасман. Бунга ҳар бир фуқаро яхши билади. Оғир жиноятларга қўл ураётган қимсаларнинг кўпчилиги анойи одамлар эмас. Қолаверса, уларнинг аксарияти муқаддас судланиб, қамқонхоналарда «мақтаб» ўтаган. Содир қилган жиноятнинг изини йўқотишга уста бўлиб кетишган. Шунинг учун, ҳар қандай жиноят прокуратура ва ички ишлар идоралари томонидан «изи совимасдан» очилишига ҳаракат қилинапти. Бу борада ижобий ўзгаришларга эришишимизда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ўзаро аҳиллиги, бир максат йўлидаги кураши муҳим аҳамиятга эга. Бироқ ҳали қиладиган ишларимиз кўп.

Бизнинг ва барчанинг юрагига оғрик соладиган муаммо қасддан одам ўлдириш ва суиқасд қилиш жиноятларининг содир этилишидир. Биргина ана шу жиноятнинг Тошкент шаҳрида 22,3 фоизи фож этилмаган. Таҳлилларга келадиган бўлсак, ўзингизга маълумки, пойтахтимизга бир кунда неча минглаб кишилар турли юмушлар билан келиб кетишади. Халқ тили билан айтганда, улар орасида ўғрилари ҳам бор, тўғрилари ҳам. Айримлари жиноят содир қилиб, бир-икки соат орасида самолётда ёки поездда бошқа республикага чиқиб кетиши мумкин. Ана шундай жиноятларнинг очилишида жамоатчиликнинг ёрдами ҳам муҳим ўрин тутди. Минг афсуслар бўлсинки, айрим фуқаролар жиноят содир қилинган жойда бўлса-да, тегишли идораларга бу ҳақда хабар беришмайди. «Нима қиламан, ўзимга гапва орттириб» дейди. Ана шундай лоқайдликлар оқибатида кўпгина жиноятлар фож этилмай қолмоқда.

Айниқса кейинги пайларда босқинчилик жиноятларининг кўплай содир этилиши қайд қилинмоқда. Бунинг турли сабаблари бор. Айримлар бундай жиноятларнинг илдизини иқтисодий қийинчиликлар билан боғлашга ҳаракат қилишади. Босқинчилик, ўриллик каби жиноятларнинг содир этилишида фуқароларимиз ҳам айбдор деб ўйлайман. Жиноятчи қимсалар ҳеч қачон бирон хонадонга бирдан ўғирлик учун бостириб киришмайди. Олдинига «разведка» қилишади. Бу тур жиноят таҳлиliga тўхталадиган бўлсам, Тошкент вилоятида 17,1 фоиз, Самарқанд вилоятида 12,2 фоиз, Сирдарё вилоятида эса 14,3 фоиз ана шундай жиноят фож этилмаган. Аҳволнинг ана шу даражага келишида, юқорида номлари қайд қилинган вилоятлар ИИБларининг ЖК бўлимлари ходимларининг ҳам айби бор.

Қайси бир жойда жиноятчиликка қарши курашда лоқайдликка йўл қўйилса, ўша жойда жиноятчиликка бирлашади ва жамият тараққиётига

хавф солади. Юқоридаги рақамлардан кўриниб турибдики, давр биздан ана шу жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳам кескин чоралар кўришни талаб қилапти.

Жиноятни яширишнинг ўзи энг катта жиноят. Бунинг оқибатида жиноятни очиб ишларини ўз вақтида ўтказиш, «иссик излар» билан ишлаш, инкор этиб бўлмайдиган далилларни ўз вақтида тўплаш, ҳужжатлаштириш ва мустаҳкамлаш билан исботлаш имкониятлари йўқотилади. Шунингдек, жабрланувчи ва гувоҳларнинг айримлари вақт ўтиши билан жиноят ҳолати ва тафсилотларини унутишларига, баъзи ҳолларда ўз кўргазмаларидан бош торттишларига олиб келади.

Бунинг оқибатида эса жазонинг муқаррарлигини ҳис этмаган жиноятчилар яна жиноятга қўл урадилар. Масалан, жорий йилнинг 3 февралда Термиз шаҳар прокуратурасига фуқаро З. Фармонова ариза билан мурожаат қилиб, 29 январь куни кечаси уйига ниқоб қийган икки шахс босқинчилик уюштирилганини, хонадон эгалари қўни-қўшниларини ёрдамга чақириб бақирганидан сўнг жиноятчилар қочиб кетганлигини маълум қилган.

Аризада Термиз шаҳар ИИБсига бу ҳақда хабар берганлиги, бироқ, ички ишлар ходимлари чора кўришмаётганини билдирган.

Аниқланишича, 2001 йил 30 январь соати 6.00 ларда Термиз шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари Ф.Шукров, ЖКБ бошлиғи Ф.Умаров ва вояга етмаганлар инспекцияси нозир А.Абдуназаровлар воқеа жойига чиқишган. Фуқаро З. Фармонованинг уйда содир бўлган ҳолатни жиноят бўлишига суриштирув ўтказган. Бироқ, содир қилинган жиноят ҳақида ҳужжатлар расмийлаштирилмаган ва ҳисобдан яширилган.

Натижада ўта оғир жиноят фож этилмасдан қолган. Ўз вазифасига совуққонлик билан қараган ИИБ ходимларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари ўтказилмоқда. Афсуслар бўлсинки, айрим ИИБ ходимлари жиноятларни яшириш билан жиноятчиликнинг олдини олишмоқчи бўлишади. Энг ачинарлиси, жойлардаги ички ишлар идоралари бундан ўзларига ҳулоса чиқариб олмапти. Ноконуний ҳаракатлар ҳақида йиғилишларда тақдор-тақдор айтилишига қарамай, бундай ноҳус ҳоллар яна тасқорланмоқда.

Сўзимнинг исботи учун яна бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Жорий йилнинг 3 сентябрь куни тунги учларда Бешарик туманидаги Улғубек кўчасида 3 нафар номаълум шахс фуқаро Х.Каримовга зўрлик ишлатиб, «Москвич-412» русумли автомобиласини ва 97 минг сўм пулини тортиб олади ва воқеа жойидан яширинишади. Мазкур ҳолат юзасидан туман ИИБ ТБ терговчиси Ш.Қорабоев томонидан ЖКнинг 166-моддаси 2-қисми «в» банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ўтказилган. Тергов жараёнида жабрланувчи ўта сифатсиз сўроқ қилинган. Терговчи томонидан жиноятчиларнинг ташқи қиёфаси, эгидидаги қиймалари ва алоҳида белгиларини аниқлашга қаратилган саволлар берилмаган. Оқибатда жиноят фож этилмай қолган. Айрим ҳолларда бундай жиноятларнинг очилимай қолишига малакасиз терговлар сабаб бўлса, баъзи ҳолларда эса ЖК бўлими ходимларининг лоқайдликлари ҳам асос бўлмоқда.

Прокуратура органлари ички ишлар вазирлигининг тегишли идоралари билан ҳамкорликда бу каби қамчиликларни бартараф этиш, жиноятчиликнинг йўлига мустаҳкам тўсиқ қўйиш чораларини изчил амалга оширмоқдалар. Зеро, халқимиз ўз тинчлиги ва оқилолигини бизга ишонган экан, юксак ишончни оқлашимиз лозим.

Оловуддин НИЁЗОВ,
Республика прокуратурасининг
Ички ишлар идораларида тергов ва
суриштирувни назорат қилиш
бошқармаси бошлиғи

«АВЕСТО»НИНГ 2700 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ВА ҚОНУНЧИЛИГИМИЗ САРЧАШМАСИ

Маълумки, қайси бир халқнинг маданияти ва маънавияти қанчалик қадимий бўлса, ўша халқнинг давлатчилик ва қонунчилик сарчашмалари шунчалик чўқур бўлади. Шу маънода Ўзбекистон ҳудудига вужудга келган илк давлатчилик ва қонунчилик тизимини энг кўнча деб, бу заминни буюк маданият бешиғи деб ҳисоблаш ҳақиқатга мос тушади.

Унинг тарихи бугунги кунда Оврупада антик дунё деб аталиб келинаётган юнон ва рим давлатчилиги ҳамда қонунчилиги маданияти билан тенгқудир. Сирасини айтганда, Юнонистон ва қадимий Римда илк давлатчиликнинг қарор топиши миллоддан аввалги VI-VIII асрларга тўғри келса, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудига ҳам миллоддан аввалги I минг йилликда Хоразм — дастлабки қудурийлик давлатида ҳам ўтроқ ҳаёт, улкан сугориш мишоқлари, қалъа-шаҳарлар, хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачиликнинг ривожини билан бирга

ўзига хос маданият, давлатчилик тўзуми мавжуд бўлган.

Шу боисдан Хоразм маданияти, давлатчилиги ва қонунчилиги дунёга машҳур Юнонистон, Рим, Хитой, Хиндистон, Эрон, Миср цивилизациялари билан қарийб тенгқудир, дейишга асос бор.

Президентимиз Ислам Каримов: «Ўзбек давлатчилигининг тамал тошлари бундан 2700 йил муқаддам айни Хоразм воқасида қўйилган. Шу маънода, миллий давлатчилигимиз тарихи Миср, Хитой, Хиндистон ва Эрон каби қадимий давлатлар тарихи билан бир қаторда туради. Хоразм тарихи ўзбек давлатчилигининг асоси, унинг қудрати ва қадимийлигининг тасдиғидир», деб таъкидлаган эди.

Мана шу асосли фикр ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги борасида излаш олиб бораётган олимларимизга туртки бўлди. Хусусан фан арбоби, ҳуқуқшунослик фанлари доктори, про-

фессор Халимбой Бобоев ва педагогика фанлари доктори, профессор Солижон Ҳасанов ҳаммуаллифиликда «Адолат» нашриётида чоп этилган «Авесто» — маънавият сарчашмаси» монографиясида ҳам Хоразмнинг энг қадимий маданият марказларидан бири эканлиги, ўзбек давлатчилиги ва қонунчилиги сарчашмалари шу заминда яратилганлиги ўз исботини топган.


Муаллифлар Президентимиз Ислам Каримовнинг зардуштийлик дини, хусусан, унда ноёб ҳисобланган китоб «Авесто»нинг яратилиши борасидаги «Биз жабон майдонида куни кеча пайдо бўлган халқ эмасмиз. Бизнинг миллиятимиз, халқимиз кўнча Хоразм заминидан «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади», деган фикрларига таяниб, Хоразмда миллий давлатчилик ва қонунчилик тарихи «Авесто» зухур толган даврлардан бошланганлигини кўрсатиб берганлиги алоҳида аҳамият

қасб этади.

Китобнинг «Авесто»да сиёсий-ҳуқуқий қарашлар» қисмида жамиятда давлат бошқаруви, қонунчилик тизими, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахслар ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқ ва бурчлари баён этилган.

Жиноят ва жазо масалаларига ҳам батафсил берилган тавсифлар гўяда муҳимдир. Асарнинг «Авесто» — бутун жабон ахлининг муштарак маданий мероси» қисмида «Авесто» таълимотининг бевосита ва билвосита қадимий юнон файласуфларидан Афлотун, Демокрит, Эпикур, Арасту, Гален, Птолемей, Еквалид, Фалес, Анаксимандрларнинг дунёқароши ҳамда фалсафий таълимотларининг шаклланишига таъсири ёрқин мисоллар орқали исботлаб берилганлиги эътиборга моликдир.

Р.МАШАРИПОВ,
Тошкент Давлат юридик
институтини
4-курс талабаси




Ислом КАРИМОВ

ЯШНАЁТГАН ДИЁР

Хуллас, ўн йил тарихга айланди. Уни авлодлар ўрганишади, тадқиқ қилишади. Бу даврда республикамизнинг биринчи президенти Исрол Каримов бошчилигида миллий ўзбек давлатчилигига асос солинганидан фахрланишади.


МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН



1925 йил 16 февралда ташкил топган. 1936 йил 5 декабрда Ўзбекистон таркибига кирган.

1993 йил 9 апрелда Қорақалпоғистон Республикаси ташкил этилди. Худуди — 166,6 минг кв.км. Ўз давлат байроғи, герби ва Конституциясига эга. 1993 йил 4 декабрда давлат маҳияси қабул қилинган. Пойтахти Нукус шаҳри. Маъмурий жиҳатдан 15 та туманга бўлинади. Республикага бўйсинувчи 7 та, туманларга бўйсинувчи 5 та шаҳар бор. 16 та шаҳар типидagi кўрғон мавжуд. Аҳолиси 1.530200 киши. Республикада Тахياتош ГРЭСи ишлаб турибди.

Мустақилликдан сўнг КАТЕКС, Эл-ТЕКС Ўзбек-турк қўшма корхоналари ва Нукус таъмирлаш механика заводи ишга туширилди. Ҳозир Қорақалпоғистонда 23 та ана шундай қўшма корхона мавжуд. 150 дан ортиқ саноат ва 160 та қишлоқ хўжалик корхоналари бор. Қўнғиротда сода заводи, Хўжайлида шина заводи қуриляпти. Республикада 420 минг гектар ҳайдаладиган ер бор.



Қорақалпоғистон Республикасида ҳам кейинги вақтда прокуратура идораларини замонавий бинолар билан таъминлаш, прокуратура ходимларининг самарали фаолият кўрсатишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиб бериш масалаларига жиддий эътибор берилмоқда.

Суратда: Бўзатов туман прокуратурасининг янги биноси.

БАХТГА МЕҲНАТ БИЛАН ЭРИШИЛАДИ

Холмурод ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурори ўринбосари

Ҳадемай халқимиз мустақиллигимизнинг 10 йиллигини кенг нишонлайди. 10 йил улуғ тарих олдида жуда оз муддат. Ана шу қисқа давр орасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Бугунги келиб, ютуқларимизни хорижликлар ҳам эътироф этмоқдалар.

10 йил ичида прокуратура тизими ҳам кўпгина соҳалар қатори тўла шаклланди. Унинг фаолияти давлат, жамият ва шахс манфаатига хизмат қиладиган даражага етди. Давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, Конституция ва қонунларнинг сўзсиз устулгини, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини, ижтимоий адолат тамойили устувор бўлишни таъминлаш прокуратура идораларининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Мустақиллик кўлга киритилганидан сўнг яратилган барча қонунларда инсон манфаатлари, унинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Ҳозирги иқтисодий ислохотлар жараёнида бу вазифа прокуратура ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Бугун сиз қайси бир соҳага қарамағи прокуратура ходимини учратасиз. Айниқса аграр соҳадагилар прокуратуранинг хизматини яхши билишади. Эски даврдагидек прокурорлар қимларгадир тазыйқ ўтказиб иш қилдирадиган эмас, балки амалий ёрдам берадиган қонун ҳимоячиси вазифасини бажармоқда. Бугунги кунда республикамиздаги барча фермер, тадбиркорлар бунинг шохидидирлар. Эндиликда халқнинг ўзи прокуратурага ёрдам сўраб мурожаат қилмоқда. Фуқароларимиз прокурорга энди қаровончи деб эмас, балки ўзининг ҳимоячиси, ғамхўри сифатида қарайдиган бўлди, прокурорлар халқ манфаатлари учун хизмат қилишни тушуниб етди.

Тизимда ишлаган ходимлар яхши билишади. Собiq иттифок даврида прокуратура идораларининг моддий техника базаси талаб даражасида бўлмади эди. Қорақалпоғистон Республикасининг мавжуд 18 та прокуратура идораларининг биронтаси ҳам ўз биносига эга эмас эди. Мустақиллик шарофати билан республика, шаҳар ва туман прокуратураларининг замонавий бинолари қурилди, базилари қайта таъмирланди. Бугунги кунда улар халққа хизмат қиляпти. Энг қувончлиси, узоқ Қорақалпоғистоннинг шаҳар ва туман прокуратуралари факс алоқаси ва замонавий техникалар билан таъминланди. Яратилган бундай қулай шароитлар ходимларимизнинг унумли ишлашлари гарови бўлмоқда.

Қорақалпоғистон Республикасининг хартасига назар солсангиз, унинг асосий қисми бепоян чўл ва қумликлардан иборат эканлигини кўрасиз. Бугунги кунда жиноятчиликнинг илдизига болта уриш учун ана қумликларнинг жазираларида, қаҳратоннинг совуқларида вақти келганда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар бир ёқадан бош чиқариб курашишларига тўғри келади. Айниқса, республика ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралари ғиёҳвандлик воситаларининг республикамизга олиб киритилишига тўсик қўйиш борасида катта амалий ишлар қилмоқда. Ўтган йили республикада 210 дан ортиқ ана шундай жиноятлар фош қилинди ва жиноятчилар қилмишларига яраша жазосини олдилар.

Жиноятчиликнинг олдини олишда қонунларни тарғиб қилиш, одамларга жиноят учун жазо муқаррарлигини тушунтириш катта аҳамиятга эга. Бу борада кейинги йилларда анчагина тажриба тўпладик. Жумладан, ҳар бир прокуратура ходими мунтазам равишда меҳнат жамоаларида, ўқув юртиларида ҳуқуқ мавзусига бағишланган учрашув ўтказиб келишмоқда.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ҳуқуқий давлат қарор топишида муҳим йўналишидир. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, вояга етмаганлар фаолиятига алоҳида эътибор қаратганимиз. Бугун биз фахр билан айтишимиз мумкинки, 30 дан зиёд талабаларимиз дунёнинг нуфузли олий ўқув юртиларида тахсил олмақда. Уларга қараб, булар элнинг боласи, дегимиз келади. Қорақалпоғистон Республикасида 80 дан зиёд миллат вакиллари бир оила фарзандларидек аҳил яшаб, бунёдкорлик ишларини амалга оширмоқда. Мақсадимиз битта: халқимиз умид қилган келажаги буюк мамлакатни қуриш. Оллик насиб қилса, ўша кўнларга етамиз. Бунёдкор халқимизнинг улуғ ниятлар билан қиладиган яратувчанлик бундан меҳнати нишона бериб турибди.

**Биз барчамиз
Қорақалпоғистон
халқидан
унинг мард,
пахлавон ўғил-
қизларидан
қийинчилик-
ларга чидам-
ли, сабр-
бардошли
бўлишни, она
еримизни
севиб, обод
қилиб яшашни
ўрганишимиз
керак.**

Ислом КАРИМОВ

ОРЗУ ЙЎЛИ

Ҳа, халқимиз Мискин-Учқудуқ-Султон Увайстог-Нукус темирйўлини шундай аташмоқда. Чунки бу йўл узоқ йиллардан буён республикамизнинг шимолий туманлари халқи учун орзу бўлиб келаётганди. Мустақиллик шарофати билан орзу рўёбга чиқди. Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 4 мартдаги 96-қарорига асосан Мискин-Учқудуқ-Султон Увайстог-Нукус темирйўли қурувчиларнинг фидокорона меҳнати тугайли қисқа фурсатларда ишга туширилди. Бош пудратчи — Ўзбекистон янги темирйўллар қуриш дирекцияси Давлат акционерлик компанияси. Мазкур қурилишда Ўзбекистоннинг тўрт вилояти бунёдкорлари жонбозлик кўрсатдилар. Қорақалпоғистонликлар 58 километрлик, хоразмликлар ва бухороликлар 112 километрлик, навоийлик йўлсозлар эса 58 километрлик тупроқ ишларини олиб бордилар. Бугунги кунда 226 километрлик йўлнинг ҳаммасига шпал ва рельслар ётқизибли, қурилиш ишлари якунланди. Ҳозир темирйўлда юкларни ташиш йўлга қўйилган. Аҳоли ҳукуматимизнинг бундай ғамхўрлигидан миннатдор.

Ушбу улкан қурилишда Қорақалпоғистондан бир қанча қурилиш ташкилотлари фаол иштирок этганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. "Қорақалпоқавтйўл" давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси, "Оролсувқурилиш", "Сувқурилиш", "Оролқишлоқхўжалиққурилиш" ташкилотлари шулар жумласидандир.

Темирйўлнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти жуда катта. Янги йўлнинг ишга тушиши, аввало Қорақалпоғистон ва Хоразмга Туркменистон орқали темирйўл қатновини 423 километрга камайтирди ва ушбу мамлакатга тўлаб келинаётган бож пуллари иқтисод қилindi. Вилоятлардан юборилаётган юкларнинг етиб келиши оsonлашди. Энг муҳими Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа Европа мамлакатларига чиқиши учун кенг имкониятлар яратилди. Юртимиз иқтисодиётининг кўтарилишида бунинг аҳамияти нисбатда катта. Фурсатдан фойдаланиб халқимизни Мустақиллигимизнинг ўн йиллик тўйи билан табриклайман. Темирйўлларимиз халқимизнинг фаровонлиги, тинчлиги ва келажаги учун хизмат қилаверсин.

Ганибой САДИРОВ,

Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг қурилиш материаллари саноати ва автйўл коммуникация комплекси котибияти бошлиғи

ПРОКУРОР ТАШАББУСКОР БЎЛДИ

Шуманай туман прокуратураси ёшлар билан иш олиб боришни биринчи даражада иш деб ҳисоблайди. Шу боис прокуратура ходимлари ҳафтанинг маълум кунлари ўқув масканлари ва ташкилотларга чиқишиб, ёшлар ўртасида "Сиз қонунни биласизми?", "Конституция — менинг ҳуқуқим", "Ёшлар ва ҳуқуқ", "Экстремизм ва ғиёҳвандликка орамизда ўрин йўқ" мавзуларида тушунтиришлар олиб боришяпти. Зеро, ҳуқуқий жиҳатдан саводли ёшлар ҳеч қачон жиноятчилик кўчасига қирмайди.


Сиз суратда кўриб турган, Шуманай шаҳрида қад ростлаётган спорт комплекси қурилиши туман прокуратураси ташаббуси билан республика мустақиллигининг 10 йиллик тўйи шарафига бошланган эди. Ҳозир у ерда пардозлаш ишлари амалга оширилмоқда.

— Қурилишда асосан ёшлар меҳнат қилишяпти, — дейди туман прокурори, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси К.Қорақўзиев. — Спорт комплекси фойдаланишга топширилгач, бу ерда теннис, енгил атлети-

ка, волейбол ва футбол мусобақаларини ўтказиш мумкин.

Қизиқarli томони шундаки, бу спорт комплекси ҳашар йўли билан бунёд этилмоқда. Ҳашарда тумандаги барча ташкилот ва идоралар, жамоатчилик фаол қатнашмоқда. Ҳозир мазкур стадион қошида ҳар хил спорт буюмлари ва чанқовбости ичимликлар сотилadиган кичик бозор қурилиши ҳам бошлаб юборилган.

Гавҳар БОБОЖОНОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси
прокурорининг катта ёрдамчиси





Наманган вилояти 1941 йилнинг 6 мартида ташкил топган.

Худуди — 7,44 минг кв.км.

Аҳолиси — 1958, 2 минг киши. Шундан 1213,0 минг нафари қишлоқларда истиқомат қилади.

Аҳолининг зичлиги: 1 кв.км.га 380 киши тўғри келади.

Унинг худудидан 2 та дарё — Норин ва Қорадарё оқиб ўтган бўлиб, улар бирлашиб, Ўрта Осиёнинг асосий сув ҳавзаларидан бири — Сирдарёни ҳосил қилади.

Вилоятда 27 та тарихий-меъморчилик обидалари ва зиёратгоҳлар мавжуд.

Наманган — гуллар шаҳри. Бу ерда 41 йилдан бери ҳар йили анъанавий гул сайли ўтказиб келинмоқда.

Вилоятда янги ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йили 8,2 фоизга кўнайди.

Кейинги икки йил давомида вилоятга 32,0 млн. АҚШ доллари миқдорига чет эл инвестицияси кириб келди.

Ўтган йили саноат қорхоналари томонидан 59,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга эришилди.

2000 йилда лон ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан 2,6 мартага кўнайди.

Вилоятда 102 та ширкат, 2738 та фермер хўжаликлари мавжуд.

Прокуратура ёрдам берди

ХЎЖАЛИГИМИЗ ОЁҚҚА ТУРДИ

Ўтган йил бошида, яъни 5 январь кўни деҳқон-фермер хўжалигимиз билан "Наманганвино" ҳиссасдорлик жамияти ўртасида маҳсулот етказиб бериш ва уни сотиб олиш ҳақида ўзаро шартнома тузилганди. Биз жамоамиз аъзолари билан ёз бўйи тинмай меҳнат қилиб, сифатли маҳсулот етиштирдик. 8 млн. 47061 сўмлик узумни шартномага асосан белгиланган муддатда сифатли қилиб "Наманганвино"га етказиб бердик. Улар бу маҳсулотни қабул қилиб олишди. Бирок, шартномада кўрсатилган шартларни бажаришга, яъни маҳсулот пулини тўлашга келганда эса ғирромлик қила бошладик.

Ўз ҳақимизни талаб қилиб, хўжалигимиздан бир неча чақирим олисдаги "Наманганвино" ҳиссасдорлик жамиятига қатнайвериш чарчади. Лекин жамият раҳбарлари "Ҳақларингизни албатта ўтказиб берамиз, мана ўтказиб берамиз" деб бизни алдашдан чарчашмади.

Бу сарсонгарчиликлар йил бўйи давом этди. Маблаг йўқлиги, пешона тери эвазига ишлаб топган ҳақимизни ололмаганлигимиз туфайли деҳқон-фермер хўжалигимиздаги ишлар орқага кетди. Ниҳоят, ўз ҳақимизни қонуний тарзда ундириб олишимизда ёрдам беришни сўраб вилоят прокурори Ф.Барноевга ариза билан мурожаат қилдик.


Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, муаммо ҳал бўлди. Очиғи, адолат бу қадар тез қарор топади деб ўйламагандик. "Наманганвино" ҳиссасдорлик жамияти топширган маҳсулотимиз пулини тўлалигича ҳисоб-китоб қилди. Ҳозир ишларимиз яна юришиб кетди. Хўжалигимиз оёққа туриб олди. Бу йил ҳам мўл ҳосил етиштириш учун барча шароит ва имкониятларга эга бўлдик. Акс ҳолда бир неча йиллик боғларимиз қуриб, хўжалигимиз банкрот бўларди. Хайриятки, қонун ҳимоячилари жонимизга оро кирди. Жамоамиз аъзолари бундан миннатдор.

А.РАСУЛОВ,

Уйчи туманидаги М.Расулов номидаги деҳқон-фермер хўжалиги раҳбари



НАМАНГАН МАНЗАРАЛАРИ



НАМАНГАНЛИКЛАР ФАХРИ

Маълумки, Наманганда футбол энг сеvimли спорт турларидан саналади. Собиқ иттифок даврида ҳам Наманганда футболга алоҳида эътибор қаратиларди. Республикамиз мустақилликка эришгач, Наманганнинг "Навбахор" жамоаси юртимизнинг етакчи жамоаларидан бирига айланди. 1996 йилги мамлакат чемпион ва олти карра бронза медали совриндори бўлган "Навбахор" мухлислари сеvimли жамоаларининг факат биринчилиги учунурашишига одатланиб қолишган. Бироқ, ўтган йили "Навбатхор"нинг совринсиз қолиши талабчан мухлис-ларни ранжитди. Бу йил ҳам биринчи даврани "Навбахор"чилар кўнгилдагидек ўтказишолмади. Жамоага Фарход Магомедовнинг бош мураббий этиб тайинланиши "Навбахор" ўйинида ижобий ўзгаришларга олиб келди. "Навбахор"даги бундай ҳолатларни изоҳлаш учун клуб раиси Марат Кензинга мурожаат қилдик.

— Марат Ибрагимович, "Навбахор"нинг сўнгги пайтларда бир текис ўйин намойиш қилолмаётганини қандай изоҳлайсиз?

— "Навбахор" доимо энг юқори мақсад сари курашувчи жамоа саналади. Мухлислар ҳам ундан шуни кутадилар. 1996 йилги "Навбахор"нинг "олтин" жамоаси таркибидagi ўйинчиларнинг кўпчилиги турли сабаблар билан жамоани тарк этишгач, жамоа ўйинида ҳам ўзгаришлар юзгага кела бошлади. Уларнинг ўрнига келган ёшлар ўзларини кўрсата олмадилар. Шу сабаблар жамоа ўйини сустайишга, мухлисларнинг эса ўйингоҳга кам келишига олиб келди. Тан олиб айтиш керакки, жамоада интизом бўшашиб кетди. Ўтган мавсумнинг иккинчи даврасига келиб эса жамоадаги бебошлик клуб раҳбарларининг сабр қосасини тўлдирди. Шу боис футболчи ва мураббийларга нисбатан кескин чоралар кўришга мажбур бўлинди. Бундан кўпчиликнинг хабири бор. Қўрилган чоралар ижобий самар

ра бериб, "Навбахор" таркибидан жой олаётган ёшларга сабоқ бўлиши табиий.

— Жамоадаги авлодлар алма-шинуви ҳақида гапириб берсангиз.

— Бугун муваффақиятга эришаё-



тган ҳар бир жамоа албатта эртасини ҳам ўйлаб иш тутиши керак. "Навбахор"да ҳам авлодлар алма-шинуви юз берди. Жамоада тажрибали футболчилар қамайиб кетиши туфайли ўринбосарлар сафидa тўп сураётган кўплаб иқтидорли ёшлар асосий таркибдан жой олишди. Ҳ.Каримов, М.Усмонов, Ш.Мирхондоршоев, С.Асқаралиев, С.Жепаров ва Ш.Жўраев каби ёшлар нафақат наманганлик мутахассислар, балки Республикамизнинг асосий жамоалари мутасаддилари назарига ҳам тушишга улгуришди.

Авлодлар алмашинуви даврида жамоа ўйинини бир текис олиб бориш осон эмас. Ёшларимизга тажриба етишмаслиги боис бир қатор учрашувларда кутилган натижага эриша олмай мухлисларни ранжитдик. Ўйлайманки, бу вақтинчалик ҳолат. Жамоанинг ҳақиқий мухлиси унинг қайғуси ва ютуғини бирга барҳам кўради.

— Фарход Магомедов олдига қандай вазифа қўйилган?

— Фарход Магомедовни жамоага тақлиф қилишдан мақсад, у Наманган футболли учун бегона эмас. Айнан унинг сардорлигида "Навбахор" чемпион бўлган. Ўйлайманки, Фарход Магомедов ўйинчилар билан тил топиша олади. Жамоада интизом ўрнатишга шубҳа йўқ. Ёш футболчиларга унинг тажрибаси асқотиши аниқ. Магомедов бошчилик қилган биринчи давранинг сўнгги ўйинларида "Навбахор" футбол-

чилари уюшқоқ ўйин намойиш қилдилар. Ҳозирча натижалар унчалик яхши бўлмаса-да, мутахассислар ва мухлислар "Навбахор"чилардан қониқиб ҳосил қилмоқдалар. Иккинчи даврада "Навбахор" бой берилган имкониятларни бар-тараф этади. Шундай бўлса-да, Фарход Магомедов олдига аниқ бир ўрин учун курашиш вазифаси қўйилгани йўқ. Асосий мақсад жамоа ўйинининг савиясини тиклаш, ундан кейин юқори ўринлар ҳақида гапирилса мухлислар олдига мулзам бўлиб қолинмайди.

— "Навбахор"нинг келажаги учун қандай ишлар қилинмоқда?

— Наманганда футболни севадилар ва у билан шугулланувчилар ҳам етарли. Кўплаб футболсевар ёшларнинг орзулари "Навбахор" сафидa тўп суриш, десам янглишмайман. Наманганда ёш иқтидор соҳибларини танлаб олиш ва уларга катта футболга йўл очиш учун шарт-шароитлар етарли. Вилоятимизда футбол лицейлари, мактаблари фаолият кўрсатиб турибди. Унда минглаб ёшлар футбол билан фаол шугулланишмоқда. Сўнгги пайтларда Республика-мизда ўтказилаётган ёшлар ўрта-сидagi турли мусобақаларда наманганлик ёшлар юқори ўринлар-ни эгаллаб келаётгани ҳам фикри-миз далилидир. Олий лиганинг ўринбосарлари мусобақасида ёш "Навбахор"чиларнинг қарвонбо-шлик қилишлари ҳам жамоанинг келажагини кафолатлайди. Жамоа ҳамон юртимизнинг етакчи жамо-аларидан бири эканлигини тасдиқлашга ва ўз мухлисларини хурсанд қилишга ишончим қомил.

А. ХОЛМИРЗАЕВ
сўхбатлашди

АВФ

КЕЧИРИМЛИ ХАЛҚМИЗ

Халқимизда "Эгилган бошни қилич кесмас", деган нақл бор. Унинг замирида пурҳикмат маъно мужас-сам. Халқимизнинг мана шу олий-жаноб фазилатларини инобатга олиб, миллий қадриятларимиз, анъаналаримизни улугламчи ҳолда ўтган йили республикамиз Президенти-нинг "Террорчи гуруҳлар таркибига адашиб кириб қолган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарлик-дан озод этиш тўғрисида"ги Фар-мони эълон қилинди.

Мазкур фармон юзасидан Наман-ган вилоятида амалга оширилиқда-ган ишлар хусусида вилоят проку-раторининг катта ёрдамчиси Ҳ.Мада-минов мухбиримизга қуйидагилар-ни сўзлаб берди.

— Фармон матбуотда эълон қилингандан сўнг вилоятда бу бо-рада кенг қўламли ишлар бошлаб юборилди. Вилоят прокуратураси МХХ, ИБВ, Божхона қўмитаси, чега-ра қўшинлари билан биргалиқда қўша тадбирлар комплексини иш-лаб чиқди. Унга асосан ҳар бир авф сўраб келган фуқароларнинг хавф-сизлигини таъминлаш, уларнинг аризаларини қисқа вақтларда кўриб чиқиш йўлга қўйилди.

Натижада шу кўнга қадар вилоят ҳуқуқни муҳофаза қилиш идорала-рига 34 нафар фуқаро ўз қилмиш-ларидан пушаймон эканлигини бил-дириб, авф сўраб, ариза билан му-рожаат қилди.

Авф сўраб келган фуқаролардан 8 нафарига нисбатан муқаддам жи-ноят иши қўзғатилиб, қидирув эълон қилинган шахслар эди. Шунга қара-май, фармонга мувофиқ уларга нис-батан қўзғатилган жиноят ишлари тугатилиб, жиноий жавобгарликдан озод этилди. Қолган 26 нафарига нисбатан ҳам шундай асосли қарор-лар қабул қилинди.

Ибройим ЮСУПОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
халқ шоири

ИККИ ОЎЗ

"Ассалом!" демаклик сўзим бошида,
Пайгамбар суннати — инсонга ҳурмат.
Дўстлар, янги аср бўсағасида
Дийдор кўришининг ўзи бир ҳикмат.

Дунё бузуқ уясидек арининг,
Кўринг келмагани баъзан кўрар кўз.
Тилида, дилида ҳозир ҳамманинг
Тинчлик, иттифоқлик деган икки сўз.

Олис Косовами, Фаластинми ё,
Умид йолдузига термудир кўз,
Кўп ерда айланган битмас қармонга,
Тинчлик, иттифоқлик деган икки сўз.

Ҳалол меҳнат ила гуллатиб элин,
Ўзбек ўзи билар яшашининг йўли,
Элга ҳам дунёга тилаги унинг:
Тинчлик, иттифоқлик деган икки сўз.

Қалпоғим қорадур, қалбим эса оқ,
Яхши инсонларга жонимдир қурбон,
Мен учун Ватандан бебаҳо ер йўқ,
Ватан ишқи оби-ҳаёт, булоқдир.

Ҳақ йўл мустақиллик қарвонимизга,
Омонлик тилаймиз юртбошимизга,
Манзу насиб этсин давронимизга,
Тинчлик, иттифоқлик деган нурли сўз.

(Шеър айрим қисқартиришлар билан
эълон қилинмоқда.)

Тадбир

ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ИШИГА БАҒИШЛАНДИ

Кеча Нукусдаги Бердак номидаги театр биносида Ўзбекистон Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиясининг 2001 йилга мўлжалланган иш режасининг 5-6-бандлари юзасидан Қорақалпоғистон Республикасида ўтказилган текширишлар натижалари бўйича йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда тегишли вазирлик ва идоралар раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши раисининг ўринбосари, комиссия раиси Қанотбой Исмоилов кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Қорақалпоғистон Жўрғи Кенгеси раиси Т.Қамолов сўзга чиқиб, бу борада комиссия олдида турган вазифаларга тўхталди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими катта прокурори К.Нуруллаевнинг ахбороти тингланди.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Халқ таълими вазири Б.Султонов, Соғлиқни сақлаш вазири Д.Бобоназаров, Қорақалпоғистон Республикаси прокурори Ҳ.Ҳалимов, Бериуний туман ҳокими ўринбосари Б.Ўрозбоев ва бошқалар сўзга чиқиб, вояга етмаганлар ўртасида олиб борилаётган ишларга муносабат билдирдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг вояга етмаганлар ҳақида қонунлар ижроси устидан назорат қилиш бўлими бошлиғи Н.Бобоев қатнашди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

(ўз муҳбиримиз)

ХОТИРА УЙФОНСА ҒУЗАЛДИР

ДЎСТ ЁНИДА ДЎСТ ЭДИ...

ЕТМИШИНЧИ йилларнинг охирида Отажон Худойшукров Тошкент давлат цирки биносида катта концерт берди. Биз Тошкент қишлоқ ҳўжалик институти, ҳозирги аграр университетининг бир гуруҳ талабалари ҳам концертда қатнашиб, хонандани жон қўлогимиз билан тинглаётган эдик. Шу топда электр токида узиллиш бўлдики ёки микрофон тўзук ишламадимми, аник эсимда йўқ, оға овоз кўнатиригични бир чеккага олиб қўйди-да:

— Қўшиқ айтадиган бўлсак тўғридан-тўғри айтийлик! — дея шундай баланд, ўқтам, ширали овоз билан қўйлай бошладики, тасодифан бизнинг ёнимизда ўтириб қолган домла Озод Шарафидинов баралла: "Отанга раҳмат!" — деб юборди. Мухлислар орасида у кишидан бошқа яна ўнлаб таниқли кишиларга кўзим тушган эди. Дарҳақиқат О.Худойшукров санъатининг содик мухлислари орасида академик ҳам, деҳқон ҳам, ишчи-ю раҳбар ҳодим ҳам кўп.

Отажон оға роппа-роса 35 йил қўшиқчилигимиз жабҳасида фидойиларча ижод қилди, минга яқин тароналарни, Хоразм мумтоз қўшиқларининг энг ғўзал, энг мураккаб, энг залворли намуналарини ўз йўли, ўз овози, ўз оҳанги, ўз жанри билан қўйлади. Бу улкан мерос тахлилини санъатшунослар чекига қолдирайлик-да, хонанданинг инсон сифатидаги фазилатларига икки оғиз тўхталиб ўтайлик.

Аллоҳ инсонга истеъдоду қобилият берганида фақат бир қирра билан чеклаб қўймайди. Отажон оға фавқуллода қудратли, энг авж пардаларда ҳам салобатли янграйдиган овозга, улкан мусбат сезгисига эга эди. Айни пайтда унинг яқин дўстлари, биродарлари оғанинг ўта эпчил полвон бўлганини, баъзан заъқи келганида циркдаги акробатларнинг энг чигал ҳаракатларини ҳам кўрсата билганини яхши эслайдилар.

Аммо Отажон оға биринчи навбатда, энг аввало юзлаб одамларнинг садодқатли, жонқуяр, бор-йўғини аямайдиган дўсти эди. Оғанинг дўстлари қаторида Отаназар Матёкубов, Жўрабек Муродов, Ортиқ Отажонов, Бобомурод Ҳамдамов, Аҳмаджон Шукров, кейинги авлод вакилларида Раҳматжон Қурбонов, Муяссар Раззоқова, Каримбой Раҳмонов, ёзувчи ва журналистлардан Омонматжон, Ошқ Эркин, Комил Аваз, Хусайн Раҳмон, Рўзимбой Ҳасан, Мамасоли Машарипов ва бошқалар бор.

Яширадиган жойи йўқ: Комилжон устоз ўз даврида санъат соҳасидаги "мутасаддиқ"ларнинг айримларида жуда қаттиқ азият чеккан, ҳатто бошқа республикада ўз ансамблини тузишга мажбур бўлган эди. Бу "нордон насиба"дан Отажон оға ҳам маълум даражада таъиб кўрди. Бироқ унинг бетакорро бати шунда эдики, энг зарур ҳолларда Йўлдош Қурбонов, Қосим Нурмбетов, Маркс Жуманиёзов, Абдулла Худойбергенов, Темир Қамолов, Олимбой Ражабов, Аминбой Тожиев каби турли авлодга мансуб раҳбарлардан меҳр-оқибат, марҳамат, кўмак кўрган эди. Оғанинг мен билган хислатларида бири шунда эдики, у ўзини ҳурмат қилган одамни мисли қўрилмаган аҳтиром билан сийлар эди. Калондимоғ, бурнининг тағидан нарини кўрмайдиган, эл орасида ҳам обрўси йўқ раҳбарлар билан мулоқотда ўзини

жуда сипо тутар, тилидагини дилига яширар эди.

Оға ўнлаб мумтоз шоирларимизнинг шеърларига куй басталаб, тарона айтган. Аммо улуг Машраб меросига меҳри бўлакча эди. Оғанинг энг ажойиб тароналаридан кўпчилиги Машраб ғазаллари асосида яратилганди. Босини сўрасам:

— Машраб ғазаллари бочка боласидан ёши улуг қарияларгача тушурлар. Сўзлари ҳам равон, ҳам ўйноқи, ҳам маъноли! — деди. Ҳофиз ўзаро суҳбатларимизда халқ ҳақида кўп гапирар эди. Бир гал:

— Бу қайта қуриш дегани на ўзи? Унинг боши-охири борми? — деб қолди. Бир неча кундан кейин мен "Қайта қуриш, поёнинг қайда?" деган шеър ёздим:

Тўрт томонга тарқаб кетди эл,
На манзил, на ўйга етди эл,
Кема чўкди, ёнди Чернобилъ,
Дориломон замонинг қайда,
Қайта қуриш поёнинг, қайда?!

Кейин оға қаерда учрашасан шу шеърни ўқиб беришни илтимос қиладиган бўлди. Бир гал фирқа раҳбарларидан бири ўтирган даврада шу шеърни менга икки марта ўқитди. У пайт мен туман раҳбариятида масъул вазифада ишлар эдим. Ўша раҳбар қандай қилиб бўлмасин, мени коммунистик фирқа аъзоллигига қабул қилиш пайига тушди. Бир куни бу ҳақда Отажон оғага гапириб бердим-да:

— Фирқага ўтмоқчи эмасман. Мана, Сиз мендан ўн тўрт ёш қаттасиз. Кўпни кўргансиз. Шу жаннат деганларига фирқа аъзоси тушадими ёки аъзо эмасларми? — дея гапни ҳазилга бурдим. Оға ҳам қойил қилиб жавоб қайтарди:

— Бошқасини қўяверинг-у, журналист билан санъаткор тўппа-тўғри жаннатга боради!

Икковимиз қулиб, бир-биримизни қаттиқ бағримизга босдик. Атрофимизда турганлар ажабланиб бизга қарашди. Улар нима ҳақида гаплашганимиздан беҳабар эдилар. Минг афсуски, мен ҳам санокли ойлاردан сўнг азиз дўст, сирдош оға, улуг ҳамда камтар ҳофизнинг дорилбаҳо томон юз буришини билмасдим.

Мана, ўшандан буюн 6 йилга яқин вақт ўтди. Аммо Отажон оға қўшиқлари ҳар куни, ҳар соат Тўртқўл ва Тошкент, Нукус ва Наманган, Фарғона ва Фориш, Урганч ва Ўш, Андижон ва Ашхобод, Қарши ва Қашқар, ўнлаб, юзлаб шаҳар ҳамда қишлоқларда, минглаб хонадонларда янграмоқда, инсонлар қалбига эзгулик, меҳр нурларини олиб кирмоқда.

Биз ҳофиз билан бундан 21 йил муқаддам Эллиққалъада танишган эдик. Унинг охириги манзили ҳам Эллиқ қалъа замини — мусулмон оламининг муқаррам жойларидан бири — Норинжон Валий зиёратгоҳи бўлди. Айни кунда Эллиққалъа ёш хонандаларнинг Отажон Худойшукров номидаги республика танловига иккинчи марта ҳозирлик кўрмоқда. Демак соз ҳам, сўз ҳам, санъаткор хотираси ҳам абадийдир!

Янгибой ҚўҚОРОВ,
Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон
ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ХИКОЯ

ИККИ ОЛАМ ФАРЗАНДИ

Сарвиноз... Иسمи жисмига монанд, келишган, ҳуш-бичим, чиройлигина қиз. Қўлгичларини айтмайсизми, қўлгичларини, ўзига бирам ярашадики, агар унинг ақлу-хуши ҳам қадди-қоматига мос бўлганидами, Сарвиноз овулимининг энг ғўзал қизи бўларди-ёе!

Аттанг, бир кам дунё дейишди. Бўлмаса, химсан, Жанил опа, Жанна Назаровна, Жанна сатанг бир тирноқча зор бўлиб, авлиёма-авлиё, мазорма-мазор, ҳуллас эл эҳтиборидаги ҳосиятли жойларни пойига суртганида, худодан шунча фарзанд сўраганимиди?!

Сарвининг ўзгачалиги — эрта баҳор, кеч кузда, қўшларнинг келиб-кетишида боши оғрийди... Ана шунча пайтларда, унинг жигига тегиб, хаёлларини бузсангиз борми, ўзингиздан кўрасиз. Яна, энг дахшатлиси, Сарви умуман ҳаёт қондаларини тан олишни истамай қолади. Шундай пайтларда Жанна опанинг дилига чирок ёксанг ёришмайди. Умуман, Сарвиноз тугилди-ю, Жанна опанинг ҳаёти остин-устин бўлиб кетди.

Қўшни эмасимизми, олам уларниқига тез-тез чиқарди. Ойжоним Сарвини худди ўзи туққандек жудаям яхши кўради. Бизларга эса, Сарвини ёзозлашни таъқидлаб, қўшининг келар-кетарида катта отасининг арвоғи билан тиллашадиган, худойимнинг эрка қизи, — деб тушунтиргани тушунтирган.

— Бизлар-чи, бизлар худонинг қизлари эмасимизми? — деб онамни ҳоли жонига қўймайди синглим Гўлрух.

— Сизларнинг йўригингиз бошқа, қизим... Сарвиноз икки дунё аро, ақлу хушига олам сиймай, ернинг туткичига нозик қўлларини қўзиб юрган шўрлик-ку...

Мен онамнинг бу гапларини аллақачон унутиб юборган бўлардим-у, аттанг... Келаси жума Сарвининг тили билан айтганда, руҳлар куни эди. Бундай пайтларда Сарвинознинг ҳеч ким билан иши бўлмайди.

Нозик қўлчаларини ўнган, чапга сийлаб, кимларнидир тартибга қачиради, алланарса ёки аллакимларнинг орқасидан қолиб юриб, учрашув вақтини белгилайди. Дам ҳа-ҳа-халаб кулса, дам бўкириб йиғлайди.

Шу куни ҳам Сарвинининг ғайритабиқ ҳаракатларига маҳлиё бўлиб, эҳтиёткорлиқни унутибман. Онамга берган ваъдасида вафо этмай, унга беихтиёр эргашганимни ўзим ҳам сезмасдим.

Кузнинг заррин қуёши тепадан қўйдирарди. Атроф аллақадан жим-жит. Биз шаҳардан олисга, аширин йўлалардан ўтиб, кенг, доира шаклидаги нотаниш майдончага чиқдик. Сарвинининг менга таниш қўл ҳаракатларидан учрашувга қақирилганини тушундим. Тусатдан нах пешонамиздан то арши алоҳача алвон рангга бурканган гулзор аро йўл пайдо бўлди. Осмон қафти очилиб, бошида тож, оппоқ либос, қора камзулдаги қўшмон, келишган қизлар биз тарафга юриб

кела бошлашди. Сарвиноз билганини кўрсатиб, уларнинг кечиканлигидан ранжиб, койиди. Ҳаттоки бир зумда ёнгинамда қушдай силкинди-ю, усти боши ўзгариб, тождор қизларнинг сардор бекасига айланиб, уларга кўрсатма бера бошлади. Аммо, тождорлар ериклардан қайсидир гуноҳларимиз учун жудаям ҳафа эди. Сарвиноз бўлса ҳадеб, ёнимизни олар, бу уларга ёқмасди, улар ғазабда эдилар. Хаёлимда улар Сарвига эргашиб, бу ерда гувоҳ бўлиб турганлигимдан мени йўқмоқчидек туюлди-ю, кўрқиб қичириб юборибман. Қўлоқларимни алламбало қоматга келтириб, бошим гандиди.



Диана МАМУТОВА,
Зулфия муқофоти
совриндори

Сарвиноз ерда, оёқларим тағида ҳўсиз ётарди... Ўйга қандай қайтганимни ҳали-ҳали эслай олмаймам.

Аммо, энг муҳими, Сарвинозга, унинг пок юрагига хиёнат тошини отгандим. Сарвининг орқасидан қувиб юриб, сирларидан воқиф бўлиб, яна уни дўгоналаримга гапириб бериб, икки қарра сотдим. Ўзим эса, ўзим ҳам кўрганларимни ақлимга сиғдиролмай, аросатда қолдим. Шунга қарамай, мен оддий ҳақиқатни, у ҳам бўлса, Сарвинининг икки олам фарзанди эканлигини тушундим.

Ҳа, у икки олам фарзанди эди.

Ериклар осмонидан инс-жинслар кўринса, Сарви йиғлайди, бизнинг гуноҳларимиз қамаси, у қулади, бизларни ким ёки нималардандир асрайди.

Демак, биз ҳам ўчи асрашимиз керак. Ана шундай учрашув пайтларида, эртани кечми (чўки унинг дўстлари вақт танламайди) Сарви йўлга чиқса, биз дўғонам Асия иккаламиз Сарвининг изидан юриб, уни оғзи шалоқ тенгдошларимиз, бекорчилар дастидан асраймиз. Унинг ўзига сездирмай, дўғонамизни ёмон кўзлардан саклаб юрармиз.

Номусимиз — буюк Оролимизга сув, сув захираларини юборишини сўраймиз.

Бўлган воқеаларни онамга гапириб берувдим, у аста жилмайиб: — Коинотда 18 минг олам мавҳуд, қизим, бизнинг еримиз ҳақим ота — Сулаймон Боқирнинг қадами етган табуруқ заминдир, нияти пок инсон еримизнинг қудратли дарвозасига етса, тасо-дифлар мунаввар, — дедилар.

«ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

“МУДРОҚ БОСГАН ҲАКИМЛАР”

“Хуқуқ”, 15-сон, 2001 йил

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг даволаш-профилактика ёрдами Бош бошқармаси мақола юзасидан қўрилган чора-тадбирлар тўғрисида қўйидагиларни маълум қилади.

Сирдарё вилояти соғлиқни сақлаш тизимини текшириш натижалари 2001 йил 30 март куни вилоят, туман ва шаҳар тиббиёт муассасалари раҳбарлари иштирокидаги кенгашда муҳокама қилинди.

Кенгашда қонунбузилиши ҳолатларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Шунингдек, йўл қўйган хато ва камчиликларни учун бир неча раҳбар ва масъул шахсларга нисбатан интизомий жазо чоралари қўлланилди.

Чунончи, вилоят сил касалликлар диспансери дорихонасида 336500 сўмлик дори-дармонлар камомати аниқланганлиги сабабли диспансер бош врачининг 2001 йил 13 мартдаги 22-буйруғи билан дорихона мудури Т.Урмаматов лавозимидан озод этилган.

Вилоят юқумли касалликлар шифохонаси омборхонасида сақланаётган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳисоб-китоб қилинганда 36198 сўмлик камомат борлиги аниқланиб, жавобгар шахс Ш.Бегалиев шифохона бош врачининг 2001 йил 27 январдаги 6-буйруғи билан лавозимидан озод этилган.

Янгиер шаҳар марказий шифохонаси омборхона мудури М.Тоштемирова 59211 сўмлик камоматда йўл қўйганлиги учун шифохона бош врачининг 2001 йил 28 февралдаги 47-буйруғи билан лавозимидан четлатилган.

Шунингдек, Ховос тумани марказий шифохонаси омбори мудури Х.Абдуназаровга аниқланган камоматлар учун шифохона бош врачининг 2001 йил 22 февралдаги 18-буйруғи билан “ҳайфсан” эълон қилиниб, етказилган зарар ундириб олинган.

Гулистон шаҳар болалар юқумли касалликлар шифохонаси ҳўжалик ишлари бўйича мудурига аниқланган камоматлар учун бош врачининг 2001 йил 7 февралдаги 23-буйруғи билан “ҳайфсан” эълон қилиниб, етказилган зарар ундирилган.

Бахт шаҳар шифохонаси дорихона мудури И.Ганиев, шифохона ҳамшираси З.Федорова ва Р.Кулиеваларга дори-дармонлар ишлатилишидаги хато ва камчиликларни учун Сирдарё туман марказий шифохонаси бош врачининг 2001 йил 9 февралдаги 34/8-буйруғи билан ойллик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридида жарима солиниб, камоматлар ундириб олинди.

Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг 2001 йил 3 мартдаги 108-буйруғи билан йўл қўйилган қонун бузилишлари учун вилоят сил касалликлар шифохонаси бош врач Д.Ҳайдаров, вилоят юқумли касалликлар шифохонаси бош врач К.Қаршибоев, Янгиер шаҳар марказий шифохонаси бош врач З.Йўлдошевларга ойллик иш ҳақининг 20 фоизи миқдоридида жарима солинди. Шунингдек, даволаш-профилактика ишларини сусайтирганликлари учун Бобёут туман марказий шифохонаси бош врач А.Давлатов, Мирзаобод туман марказий шифохонаси бош врач Н.Каримов, Ширин шаҳар тиббий-санитария қисми бош врач Ш. Курбонбоевларга “ҳайфсан” эълон қилинди.

Ф. ИЛҲОМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлиги ДПББ бошлиғи

«АРЗИМИЗНИ КИМ ТИНГЛАЙДИ?»

“Хуқуқ”, 15-сон, 2001 йил

Шикоятдаги далиллари атрофлича ўрганиб чиқиб, қўйидагиларни маълум қиламиз.

“Қизил олма” маҳалла фуқаролар йиғини учта қишлоқдан иборат. Ушбу қишлоқларнинг гузарларига сув қувурлари тортилган, лекин шикоят муаллифлари К.Мирзоева ва Т.Холмуродова истикомат қиладиган гузарда уйлар лойиҳасиз, ўзбошимчалик билан қўрилганлиги сабабли сув қувурларини ўтказиш ишлари тўхтаб турганлиги аниқланди. Ҳўжалик маъмурияти томонидан гузар аҳолисига ҳар кун махсус автоуловда ичимлик суви етказиб берилаётти. Қишлоқ йўлларига тош ётқизиб, асфальт тўшах масаласи тегишли ташкилотлар томонидан ўрганилиб, лойиҳалаштирилмоқда. Бундан ташқари қишлоқни 2010 йилгача тўлиқ газлаштириш режалаштирилган.

Шикоятда кўрсатиб ўтилган муаммоларни тўлиқ бартараф этиш бўйича туман ҳокимлиги томонидан чора-тадбирлар белгиланиб, назоратга олинган.

Р.НУРАЛИЕВ,
Сурхондарё вилоят ҳокимининг ўринбосари

ТЕКШИРУВ ЎТКАЗИЛДИ

Тахририятимизга Зомин туман МТП-2 ташкилотидида ишловчи Х. Кирғизбоев мактуб йўллаб, ўз аризасида иш ҳақини вақтида ололмаётганлигини баён қилган эди. Яқинда ушбу шикоят юзасидан жавоб олдик:

«Зомин туман прокуратураси фуқаро Х.Кирғизбоевнинг аризаси юзасидан текшириш ўтказди. Аниқланишича, ҳақиқатан ҳам Х.Кирғизбоевнинг иш ҳақи МТП-2 ташкилоти томонидан ҳисоб рақамидида пул бўлмаганлиги сабабли ўз вақтида берилмаганлиги аниқланди.

2001 йил 19 февраль куни ташкилотнинг ҳисоб рақамига пул тушган, Х.Кирғизбоевнинг 75059 сўм иш ҳақи тўлиғича берилган.

Б.ШАИМОВ,
Зомин туман прокурори.»

ҲАМОН ЖАВОБ ЙЎҚ...

Хурматли тахририят! Сизга йўллаётган ушбу мактубимизнинг мазмунини шундан иборатки, биз яшаб турган Нарпай туманидаги “Оқ олтин” жамоа ҳўжалигида жойлашган 37-мактаб қарийб 20 йилдан буюн авария ҳолатида турибди. Йилдан-йилга ўқувчилар сони охири бориши натижасида ҳашар йўли билан қўшимча кичик ва тор синфхоналар қуриб борилди.

1990 йилда янги мактаб лойиҳаси ишлаб чиқилиб, бино учун жой ҳам танланган эди. Аммо бу ишларнинг барчаси қоғозда қолиб кетди. Қурилиш учун маблаг ажратилмай, 1994 йили туман раҳбарлари “Мактабни ҳашар йўли билан битказамиз” деган шior билан чиқишди. Мустақилликни қўлга киритганимизга 10 тўлибдики, ҳали ҳам шior шiorлиғича турибди. Бу орада туманда қанча янги мактаблар қуриб фойдаланишга топширилди. Қолганлари янгидан таъмирланиб, замонавий жиҳоз ва ўқув анжонлари билан бойитилди. Лекин бизнинг фарзандларимиз учун бундай мактабларда ўқиш орзу бўлиб қолмоқда.

1997 йил мактаб жамоаси туман ҳокимлиги ва халқ таълими бўлимига янги мактаб қуриб беришни сўраб, мурожаат қилишди. Аммо фойдаси бўлмади.

“Оқ олтин”, “Олтин булоқ” жамоа ҳўжалиги раҳбарлари пахта янганаси, чопиғи, йиғим-терими бошланди дегунча ўқитувчи ва ўқувчилар устидан назоратни ўз қўлларига олишди, хоҳласа мактабни ёпишди, хоҳласа очишди. Лекин мактаб қурилиши ҳақида гап очадиган бўлсангиз, қўлни ювиб қўлтиққа уришди. Бу ҳам етмагандек, ўқитувчиларга берилган 10 сотих ерни тортиб олишди.

1998 йили об-ҳаво жуда совуқ келди. Мактабнинг бирорта хонасида иситиш печлари йўқ. Синфхоналарнинг совуқлигидан ўқувчилар мактабга бормай қўйишди. Ўқитувчиларнинг саяё-ҳаракати билан бир ой ичида беш хонали бош корпус газлаштирилди холос. Қолган 6 та синф хонаси газлаштирилмай қолди. Бу хоналарга ўтин, топилганда кўмир ёқилмоқда. Қоғозда эса мактаб тўлиқ газлаштирилди, деб расмийлаштирилган.

Мактаб ҳали электрлаштирилмаган. Оқибатда ўқувчилар амалиётда электротехника воситалари нимадигини билмай битириб кетишмоқда. Мактаб омборида эса электротехника воситалари бирор ўқувчига фойдаси тегмай, ярқисиз ахволга келиб қолган.


2000 йилнинг ноябрь ойида ота-оналар кўмитаси мактаб жамоаси билан биргаликда бир қатор талаблар билан вилоят ҳокимлигига расмий равишда мурожаат қилдик. Аммо вилоят ҳокимлиги аризамизни кўриб чиқишни вилоят халқ таълими бошқармасига топширди. Бошқармадан баён келиб, юқорида баён этилган фактлар тўғрисида ишонч ҳосил қилиб кетди. Мана олти ой бўлибдики, ҳокимликдан ҳам, бошқармадан ҳам ҳеч қандай жавоб йўқ.

Хурматли тахририят! Биз ҳам фарзандларимиз мукаммал билим олишни, катта-катта илм даргоҳларида таълим олиб Ўзбекистон мавқеининг янада юксак бўлишига ўз ҳиссаларини қўйишни хоҳлаймиз. Бунинг учун фарзандларимизга ҳозирги замон талаби асосида қурилган ва жиҳозланган мактаб зарур. Бизнинг шу истиғимиз рўёбга чиқишига ёрдам берарсиз, деб умид қилиб қоламиз.

К.Нийёзов, К.Ҳайдаров, А.Худойқулов
ва бошқалар,
Самарқанд вилояти, Нарпай тумани

КИЛМИШ-КИДИРМИШ

ҚОТИЛ МЕҲМОНЛАР



Илҳом ҒРИЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси

ҳам ёт эмаслигини тан олиш зарур. Энди тасодиф ҳақида икки оғиз сўз. Негаки биз қўйида ҳикоя қилмоқчи бўлган воқеаларнинг ибтидоси мана шу икки сўз билан изоҳланади.

2001 йил 24 январдан 25 январга ўтар кечаси, корейс тақами бўйича Янги йил қирадиган кун Алексей Ким ўртоғи Сергей Цойни уйига тақлиф қилган, кечқурун соат 9.00 ларга яқин ҳар доим байрамларда бўлгани каби оз-оздан шароб ичишга улғурган эдилар... Шароб қонни қиздириб, мусика тўйуларни жўштираётган, квартиранинг ланг очик эшигини ёпмоқчи бўлиб йўлакка чиққан Алексей зиналарини бир-бир бо- сиб тепа қаватга чиқиб келаётган йи- гитни қўриб қолди. Ўзи тини эди, гап отди:

- Қаёққа кетаясан?
- Олтинчи қаватда тураман, уйимга кетаялман.
- Икки йилдан бери шу ерда яшай- ману, кўрмаган эканман. Исмнинг нима?
- Сергей.
- Меники Алексей.
- Танишдилар. Алексей Сергейга бу-

гун байрам эканлигини тушунириб, янги йилни бирга қутиб олиш учун уйига тақлиф қилди. Илгари Юнусобод туман судининг ҳукми билан озодликдан маҳ- рум этилиб, 2000 йил 19 апрель куни шартли равишда эркинликка чиқарил- ган Сергей Игнатов тақлифга бажони- дил рози бўлди. Бўйи одамгарчилик. Уйга кирилди. Танишганлари шарафи- га қадаҳ кўтарилди.

Халқда “Отанинг ўлишини билсам, бир қоп кепакка алмашардим” деган ибора борки, бу зинҳор оқнадарлигини эмас, эрта нима бўлишини билмаслик- дан афсусланишнинг билдирари. Шунга ўхшаш Алексей Ким ўзи ва ўртоғи Сер- гей Цой эртасига эрталаб мана шу ме- хмоннинг қабих нияти йўлида қурбон бўлишларини билганида уни уйга тақ- лиф қилмаган бўлармики?..

Сергей Игнатов айбига иқдор бўлиб, воқеаларнинг кейинги ривожини судда қўйидагича ҳикоя қилади:

— Бироз ўтирганимиздан сўнг Алек- сей бир-иккита дўстлари келиши ке- раклиғи ҳақида гапириб қолди. “Мен ҳам бир ўртоғимни тақлиф қилишим

мумкин. Мана шу “дом”да яшайди” де- дим. Шундан сўнг Дмитрий Филиковни чақириб келишга кетдим.

Филиковни биринчи қаватдаги йўлак ёнида учратиб, тақлифимни айтдим, у рози бўлди. Тўртинчи қаватга, Алексей- нинг квартирасига кўтарилдик. Йигит- ларни таништирдик. Дастурхон атро- фиди ўтирганимизда телефон жиринг- лади. Цой қандайдир қиз бола билан гаплашиб, 15 дақиқадан сўнг келади деди.

Айтиганидек шунча вақтдан кейин 5 та бўлдиқ-да, гапдан-гап чиқиб диско- текага бормаймизми, деган тақлиф ўртага ташланди. Цой қизи билан қол- ди. Учаламиз кўчага чиқдик. Аввалдан келишганимизга кўра Дмитрий диско- текага бормиди, Алексей иккаламиз кет- дик. Соат 2.30да “Ангар” дискотекаси- дан қайтишимизда Ольга ва Мая исмли қизлар билан танишиб, уйга тақлиф қилдик.

Бизни Цой билан Филиков қутиб олди. Цой қизига жавоб бериб юборган экан.

Соат 5.00 гача қизлар билан кўнгли-

хушлик қилдик. Улар кетгач, режамиз- ни амалга оширадиган пайт келди...

Уларнинг режаси йигитларни ўлди- риш, хонадаги қимматбаҳо жиҳозларни қўлга киритиш эди. Жиноятчиларнинг биринчи қурбони Алексей бўлди. Цой ювинишга қириб кетганида нияти бу- зув меҳмонлар мезбонни бўйиб ўлди- ришди.

Йўлакдаги тапир-тупурдан хавотир- ланиб, апил-тапил артиниб ваннадан чиқиб келган Цой қорнидан пичоқ еб мункайиб қолди. Ваҳшийлар уни ҳам бўйиб ўлдириб, хонадондаги 1 млн. 217 минг сўмлик мол-мулкни олиб, чиқиб кетишди.

Яқши кўшни қариндошдан афзал дейишди. Афсуски жиноятчилар шун- ча мол-мулкни хонадондан олиб чи- қадиганга Алексейнинг бирин-бир қўшниси уларнинг “мушугини пишт” демаган.

Гувоҳларнинг кўрсатмалари ва тез- кор кидирув натижасида жиноятчилар қўлга олинди. Тошкент шаҳар суди- нинг ҳукми билан уларнинг қўлимиш ўлим жазосига лойиқ деб топилди.

Одатда инсоний фазилатлар, хусу- сан меҳмондўстлик ҳақида гап кетган- да ақсарият биродарларимиз кўраги- га уриб ўзбекиларни бошқаларга наму- на қилиб кўрсатадилар. Бу борада мактаса мактағулик ҳалқимиз бор. Ушбу ҳақиқатни эътироф этган ҳолда мазкур фазилат бошқа халқлар вакиллари учун

СПОРТ



ҚОНУН ҲИМОЯЧИЛАРИ ЯНА МАЙДОНДА

Миллионлар ўйини ҳисобланмиш футбол Республикасида борган сари оммавийлашиб бормоқда. Бугун ям-яшил майдонда бир бор бўлса-да тўп сурмаган ёки унга ҳайқириклар остида ишқибозлик қилмаган одам топила-маса керак. Ҳатто бу спорт тури билан аёлларнинг ҳам шугуллани-ши янгилик бўлмай қолди. Ўзбеки-стонда ҳам бу спорт турини ри-вожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Қисқа вақт ичида кўплаб футбол майдонлари бунёд этилди, борлари таъмирланди. Бугун барча давлат муассасала-ри, ташкилот ва корхоналар, шу-нингдек, ҳўжаликларда футбол жамоалари тuzилган бўлиб, турли мусобақалар ўтказиш аънаёнага айланди. Чунки бу спорт тури на-фақат инсон соғлигини мустаҳ-камлайди, балки тафаккурни чи-ниқтиради, ҳаётда янада фаол бўлишга ундайди.

Ўтган йилнинг бошида Респуб-лика прокуратураси маҳкамасида ҳам яхши ниятлар билан футбол жамоаси тuzилган эди. Республи-ка прокуратурасининг марказий маҳкамаси, Ҳарбий прокуратура, Тошкент шаҳар ва пойтахт вилоя-ти прокуратуралари вакилларида-н иборат терма жамоа кўплаб мусо-бақаларда қатнашиб, фахрли ўрин-ларини ҳам эгаллади. Жумладан, команда 2000 йилнинг 14-21 март кунлари Тошкентда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора-

лари терма жамоалари ўртасида Наврўз умумхалқ байрамига ба-ғишлаб "Ватан ўғлонлари" кубоги учун ўтказилган футбол мусобақа-сида муваффақиятли иштирок эт-ганди. Яъни ўтказилган тўрт ўйин-дан учтасида ғалаба қозониб, бит-та ўйинни дуранг билан якунлаган-ди ва фахрли учинчи ўринни эгал-лаганди.

Ўзбекистон Республикаси про-куратураси Ватанимиз Мустақил-лигининг 10 йиллигига бағишлаб "Қонун ҳимоячилари" кубоги учун футбол ва теннис бўйича мусоба-қалар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Июл-август ойларида ўтка-зиладиган мазкур мусобақаларда Марказий маҳкама, вилоят ва унга тенглаштирилган прокуратура хо-димлари жамоаларга бўлинган ҳолда иштирок этади. Тошкент шаҳар прокуратурасида ҳам маз-кур мусобақаларни уюшқоқлик би-лан ўтказиш ва фахрли ўринларини эгаллаш мақсадида шаҳар проку-ратурининг биринчи ўринбосари М.Мирзаев раҳбарлигида ташки-лий кўмита тuzилди. Тез орада жамоалар ташкил топди ва унга моҳир ўйинчилар жалб қилинди. 3-15 июл кунлари шаҳар прокурату-ралари идоралари жамоалари ўрта-сида бўладиган футбол ва теннис мусобақаларига тайёргарлик кўриш бўйича машғулотлар ўтказилди.

Ҳозир мусобақаларда шаҳар прокуратураси маҳкамасидан 3 та жамоа (Бўрон, Хумо ва Лочин), ўн

битта туман прокуратураларидан эса 5 та жамоа (Дўстлик, Ҳаммер, Тўлпор, Турон ва Сағбон) иштирок этмоқда. Жамоаларга прокурату-ра ходимлари орасида футбол би-лан узоқ йиллардан буён шугулла-наётган Б.Аглаев, Л.Раҳмонов, Х.Норхўжаев, А.Жалилов ва Х.Аб-дувалиев каби эгчил ва чаққон футболчилар жалб қилинди. Му-собақалар пойтахтимиздаги «Чи-лонзор» ва «Тўқимачи» спорт са-ройларида, финал ўйини эса Ўзбе-кистон ташқи иқтисодий фаолий Миллий банкининг (собиқ "Старт") ўйингоҳида ўтказилди.

Прокуратура ходимлари ораси-да теннис билан ҳам мунтазам шугулланаётганлар кўпчиликини ташкил қилади. Шу сабаб, футбол билан бир вақтда теннис бўйича ҳам яқна ва жуфтлик тартибда мусобақа ўтказиш режаси ишлаб чиқилган. Бир неча бор республи-ка "Хавас" турнирларида соврин-ли ўринларини эгаллаган Э.Абза-лов, стол тенниси бўйича спорт усталигига номзод К.Тожиқулов ва бошқалар ушбу мусобақага катта таёргарлик кўришди. Теннис му-собақаси "Жар" спорт саройида ўтказилди. Биз барча футбол ва теннис ишқибозларини ушбу му-собақаларга таклиф қиламиз. Чун-ки, унутилмас воқеа ва қутилмаган натижалар, тортишув ҳамда қизи-қарли ҳодисалар айнан хаваскор-лар мусобақаларида юз беради.

Кеча ушбу мусобақалар танта-нали равишда очилди ва Чилонзор спорт саройида дастлабки мусо-бақа бўлиб ўтди.

Комилжон БОҒБЕКОВ

БҮРЧ МАСЪУЛИЯТИ

Она юртимиз сарҳадларини кўриқлаётган ҳарбий хизмат-чилар орасида ўз бурчига масъулиятсизлик билан ёндаш-ганлиги сабабли турли аянчли оқибатга рўбарў бўлаётган ҳолат ҳам учраб турибди.



Б.ХАСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ҳарбий прокуратурасининг
бўлим прокурори, адлия
маслаҳатчиси

"Н" ҳарбий бўлинмага тегишли техника ва мол-мулкни сақлаш учун масъул бўлган капитан Бахтибек Есмурзаев ҳамда қуроли кучлар хизмат-чиси, газэлектрорайвандчи Владимир Колесниковлар томонидан содир этилган жиноят туфайли моддий зарар етказилди. Бу ҳолатда иккала шахснинг ўз вазифасига совуқ-қон ва юзаки муносабатда бўлишгани кузатилади. Гап шундаки, капитан Б.Есмурзаев ўзига топирилган омбор томидаги тирқишларни тунука билан беркитиш мақсадида В.Колесниковни ёрдамга чақиради. Ҳожатбарор пайванд-чи тезда ишга киришади. Минг афсуски, ваколатли лавозимда хизмат қилаётган капитан Б.Есмурзаев ҳам, кўп йиллик иш стажига эга пайвандчи В.Колесников ҳам ёнгин хавфига қарши чора-тадбир кўришни унутишади. Шу боис, тонгда пайвандлаш ишларини амалга

БЕПАРВОЛИК ОҚИБАТИ

ошираётган чоғларида улар кип-қизил чўққа айланган металл парчаси омбордаги тез аланганувчи модда устига тушганини илғашмайди.

Ёнгин аломатини сезган капитан Б.Есмурзаев омбор дарво-засини очганида аланга ёнилги-мойлаш материаллари сақла-наётган майдонга етиб улгурганини кўради ва энди бу кучга ҳеч ким бас кела олмаслигини фаҳмлайди. Орадан кўп вақт ўтмаёқ омбор ва унинг ичидаги қимматбаҳо буюмлар буткул ёниб қулга айланади.

Уларнинг бу ҳатти-ҳаракатлари ҳарбий суд томонидан кўриб чиқилди. Капитан Б.Есмурзаев Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиди ва уч йилга озодликдан маҳрум этилди. Хизматчи В.Колесников ҳам ЖКнинг тегишли моддалари билан айбдор деб топилиб, 3 йилга 6 ойга озодликдан маҳрум этилди. Етказилган моддий зарар айбдорлардан ундирилади.

Биз бирор қор-қол рўй берса "фалокат оёқ, остида деганла-ри шу" дея масъулиятни ўзимиздан соқит қилишга кўникиб қолганмиз. Аммо чуқур мулоҳаза юритадиган бўлсак, "Фалокат ўзи нима? Нега у доимо айнан оёқ остида ўраллашиб юради?" қабилида саволлар туғилиши мумкин. Менимча, юқорида кўрсатилган ҳолатда ҳам номлари зикр этилган шахсларнинг ўзларини ўша "мудҳиш ҳалокатлар муаллифлари" дея талқин қилсак ўринли бўлур эди. Сиз, азиз муштарий, улар атайин шу жиноятни содир этишмаган ёки ўз ҳаракатлари оқибатида кўра билишмаган-ку, дея фикримга қўшилмасиз. Тўғри, бироқ улар ўз ваколатларига тааллуқли оддий қоидаларга амал қилишгани-да эди, албатта бундай қулфатларнинг олди олинган бўларди.

Капитан Б.Есмурзаев ўз ваколатини суиистеъмол қилади. Зеро, у пайвандлаш ишларини олиб бориш тўғрисида на командирдан, на ёнгинга қарши назорат бўлими ходимлари-дан рухсат сўраган. В.Колесников эса маълум бир иш бажариш олдидан албатта ёнгинга қарши кураш воситаларини ҳозирлаб қўйиш зарурлигини унутган.

Дарҳақиқат, эътиборингизга ҳавола этилган юқоридаги воқеа ҳам айбдорларнинг шунчаки бепарволиги, ўз вазифасига юзаки муносабатда бўлиши сабабли рўй берди. Ушбу мақолани ўқиган ҳар бир киши қалбида бепарволик, ўз бурчига ёки бажараётган бирор ишга нисбатан масъулиятсизлик ҳисси баъзан ёмон оқибатларга олиб келиши мумкинлигини эслатиб турувчи уйғоқ туйғу қарор топишига умид боғладим.

ТАЙЁРГАРЛИК ҚИЗҒИН

Хоразм вилоят прокуратурасида бир ҳафтадирки, иш кунини одатдагидан ўзгача якунланмоқда. Проку-ратуралар ва терговчилар иш вақти тугагач, хизмат кийимларини спорт формаси билан алмаштириб, тўппа-тўри футбол майдонлари-ю, теннис кортла-рига чиқмоқдалар. Бунга аввало Ўзбекистон Бош прокурорининг Республика мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган "Қонун ҳимоячиси" кубоги учун футбол ва теннис бўйича турнир ўтказиш ҳақида чиқарган фармойиши даъват этаётган бўлса, иккин-чидан, вилоят прокуратураси ҳовлисида қисқа давр ичида барпо этилган замонавий, ихчам стадионнинг ишга туширилиши сабаб бўлди.

— Фармойишнинг қабул қилиниши биз учун ало-ҳида қувончли кунга тўғри келди, — дейди вилоят прокурори Д.Исроилов. — Чунки биз футбол майдон-часининг очилишини худди шу кунга белгиллаган эдик. Бизда бу истак анча илгари пайдо бўлган. Негачи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ходимлари нафақат маънавий етук, касбига моҳир, жисмонан соғлом, шу билан бирга хушфёъл ва хуш-қомат ҳам бўлиши зарур. Айнан ана шундай серҳа-кат ўйинларгина гавдани хушқувват ва бесўнақай қилиб кўрсатадиган ортқича семизликдан ҳалос этади.

...Прокуратура ҳовлисидаги ихчамгина футбол майдонидамиз. Соат миллари кечки саккизга яқин-лашмоқда. Кўзни қувонтирадиган кўм-қўқ майса би-лан қопланган майдонга команда мураббийси, фут-бол бўйича вилоятда таникли мутахассис Комил Алиев кириб келади. Таблода "Терговчи" ва "Қонун-



чи", 0:0 ёзувлари акс этиб турибди. Хуштак янграши билан кун бўйи ишдан бош кўтармаган йигитлар майдонга чиқилди. Гарчи бу шунчаки машғулот бўлса-да, ўйин чинакамига давом этарди. Чунки мусобақада ҳар ким ҳам ғалабага интилади...

Қош қораяр экан, прокуратура биноси пештоқла-рига ўрнатилган электр чироклари стадионга нур соча бошлади. Биз фотомуҳбири-миз К.Отаев би-лан шаҳардаги теннис кортига йўл олдик. Чунки айна шу дамда у ерда ҳам навбатдаги машғулот бошланганди.

Бир сўз билан айтганда, Хоразмда "Қонун ҳи-мо-ячиси" турнирига тайёргарлик қизган.

Бозорбой БОБОЖОНОВ,
журналист

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ТАЪМИНОТЧИ - ПАХТА»

акциядорлик жамияти

ЮТУҚЛАР ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон аграр мамлакат ҳисобланади ва иқтисодиётимизнинг ривожланишида қишлоқ ҳўжалиги муҳим рол ўйнайди. Албатта, ушбу соҳа ривожини замонавий техникаларсиз тасаввур қилиш қийин. Яъни қишлоқ ҳўжалигининг моддий техник базаси мустаҳкам бўлса, иш уними ҳам шунга яраша бўлади. Шу сабаб мамлакатимиз ҳўкумати ҳўжаликларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлашга жиддий эътибор қаратмоқда. Хориждан қўллаб-қўллаб замонавий техникалар келтирилиши баробарида уларни маҳаллийлаштириш борасида ҳам катта ишлар амалга оширилмоқда.

«Таъминотчи-Пахта» акционерлик жамияти мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги моддий-техник таъминоти билан шўгулланади. Чиноз туманидаги Эски Тошкент қишлоғида жойлашган мазкур корхона 1996 йилдан буён АҚШнинг «КЕЙС» компанияси билан ҳамкорлик қилиб келмоқда. Жамият мазкур компанияда ишлаб чиқарилган техникаларни Ўзбекистонга келтириб, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ҳозиргача АҚШдан 1950 та «Магнум» тракторлари, 1274 та «КЕЙС» комбайнлари ҳамда 440 та пахта териш машиналари келтирилди. Бу техникаларнинг барчаси машина тарақтор паркларига тарқатилди. «КЕЙС» компаниясидан келтирилаётган қишлоқ ҳўжалик техникалари Вазирлар Маҳкамасининг 410-сонли қарорига асосан, республика Молия Вазирлиги қафолати билан олинмоқда. Келтирилаётган техникалар учун олдиндан 15 % ҳақ тўла-

надй ва қолган сўмма лизинг тўлови орқали амалга оширилади. Лизинг тўлови 5 йилга мўлжалланган бўлиб, улар ҳар йили тартиб билан тўлаб борилади. 2000 йилда товар айирбошлаш 107 % бажарилди ва 14 млрд. 354 млн. сўмни ташкил қилди.

Корхона мўлжалдаги 4 млрд. 254 млн. сўм ўрнига 14 млрд. 354 млн. даромад қилди. Олинган фойда эса 761,6 млн. сўмни ташкил этди. 2001 йил январ ойида корхонада 4 млрд. 843 млн. сўмни ташкил қилди. Ҳамма бюджет тўловлардан ташқари қолган соф фойда 141 млн. 444 сўмга тенг бўлди. Корхонанинг бундан кейинги асосий вазифаси техникаларнинг тўлиқ ишлашини таъминлаш, эътиёт қисмлар етказиб беришдир. Шу мақсадда 2001 йил учун эътиёт қисмларни етказиб бериш бўйича 16 млн. АҚШ долларлик давлат қафолати билан шартнома имзоланди.

Келажакда олинган техникаларни тўлиқ эътиёт қисмлар билан таъминлаш учун уларни темир йўл орқали керакли манзилга юбориш қўзда тутилган. Корхонага қарашли мавжуд кўтарма қранлар, юк ташиш автоуловлари, автоқранлар ёрдамида етказиб берилаётган эътиёт қисмларни ўз вақтида тушириб олиш учун барча қўлайликлар яратилган.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, «Таъминотчи-Пахта» акциядорлик жамияти ўзининг иқтисодий ютуқлари билан фахрланса арзийди.

«ЎЗБЕК-ТУРК» БАНКИ



«Ўзбек-Турк» банки Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги арафасида кичик ва ўрта бизнесни ҳамда тадбиркорлик фаолиятида ишлаб чиқаришни қўллаб-қувватлаш, тараққий эттириш мақсадида арзон, қўлай нархдаги имтиёзли кредит ва микрокредитлар берилишини эълон қилади.

«Ўзбек-Турк» банк сизнинг қўлай иш вақтингизни, маблағларингизни тежаш имконияти яратган ҳолда, айланма маблағларингизни ошириш ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришда сиз учун катта имкониятлар яратади. Кредитлар бизнес режаларининг танлови асосида махсус имтиёзли кредитлаш фондидан ажратилади. Мухтарам ишбилармонлар! Махсус фонддан фойдаланиш имкониятини бой берманг, шошилинг.

«Ўзбек-Турк» банки ушбу кредитларни бериш ҳамда ҳужжатларни расмийлаштириш жараёнида миқозлар учун барча қўлайликларни яратади.

«Ўзбек-Турк» банки ишончли миқозларга ишончли хизмат кўрсатишни қафолатлайди ва барча ишбилармонларни энг сифатли, фойдали ва самарали ҳамкорликка чорлайди.

Манзилимиз: Халқлар дўстлиги кўчаси, 15 Б.
тел: 173-83-24, 173-83-27, 173-83-23
Факс: 120-63-62.

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.

Факс: 77-68-67.


РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«SAMSUNG»

қиш - ёз

кондиционерлари



«СИНТА» фирмаси «SAMSUNG» компаниясининг қиш-ёз кондиционерларини харид қилишга таклиф этади.

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги кўчаси, 18. Тел.: 50-47-67.

«ACCA»

ДЎКОНИ

«Мерседес», «Форд», «Волво», «ДЭУ», «Опел», «Ауди», «Нексия», «Тико» ва «Дамас» автомобиллари учун эҳтиёт қисмларни энг арзон нархларда харид қилишга таклиф этади.

ҲАҚ ТУЛАШ — Сиз истаган усул!





Манзил: Тошкент ш., А.Қаҳҳор кўчаси, 32-уй.
Тел.: 55-66-72,
Факс: 55-78-86.

Усмон Носир кўчаси, 20-уй.
Тел.: 55-42-88.
«Фарход» бозори, Автоярмарка. Тел.: 75-88-42.

ФИЛИАЛЛАРИМИЗ:

«ЗУККО»

фирмаси ўқув маркази

Сизларни замонавий касбларни ўргатадиган ўқишларга таклиф этади.

3 ойлик

Бичиш-тиқиш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Бошловчилар учун инглиз тили. Бир ойга - 3500 сўм.
Инглиз тили (давом эттирувчилар учун.) Бир ойга - 4000 сўм.
ТОЭФЛБ. Бир ойга - 6000 сўм.
Акушерлик. Бир ойга - 4000 сўм.
Теле-радио ўсталари. Бир ойга - 3500 сўм.
Бухгалтерлик. Бир ойга - 3500 сўм.

2 ойлик

Ҳар хил торт, салатлар тайёрлаш.
Бир ойга - 3500 сўм.
Сартарошлик. Бир ойга 3500 сўм.
Массаж (ўмумий.)
Бир ойга - 3500 сўм.
Ўй хамшираси.
Бир ойга - 3500 сўм.
Энг замонавий усулларда «Элита» пардалари ва чойшабларини тиқиш.
Бир ойга - 4000 сўм.

1 ойлик

Тижорат ва озиқ-овқат дўконлари учун со-тувчилар.
Бир ойга - 6000 сўм.

Ота-оналар диққатига

5, 6, 7 ёшли болаларга инглиз тили ўргатилади.
Бир ойга - 3500 сўм.

Замонавий ва шиблармон, оқила ва назанда, саронжомчу саришта бўлишингизда «ЗУККО» Сизнинг энг яқин қўмақчингиздир!

Ўқинишни битирганларга диплом ва гувоҳнома берилади. Вилоятлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

Манзил: Метронинг «Тинчлик» бекати. «Азиза Сайфи қизи» ательесининг ичида. «Адиас» дўкони ёнида. Тел.: 42-36-71.

«НАФИС»НИНГ НИЯТЛАРИ

Самарқанд шаҳри ўзининг бетакрор жозибаси билан дунёга машҳур. У ўз жозибасини санъат асарларига ҳам кўчириб, чет элликларнинг шаҳримизга қизиқишини ва ҳайратини ошириб келмоқда. Айниқса Самарқанд чинни заводи ишлаб чиқараётган элликдан зиёд турдаги маҳсулотлар шаҳримизнинг тарихий обидалари тасвири билан сайқалланган. Буюмларга берилган сайқалнинг ажиб ва бетакрорлиги, миллий нақшларнинг сержилоранглар билан уйғунлиги Самарқанд чинниларини санъат асари даражасига кўтарди десак муболаға бўлмайди.

Ҳозирда «Нафис» Самарқанд чинни идишлар ишлаб чиқариш очиқ турдаги ҳиссасдорлик жамияти номи билан юритилаётган завод 1970 йилда илк фаолиятини бошлаган эди. Корхона ўтган давр мобайнида халқимизнинг кундалик эҳтиёжини қондириб келмоқда. Шарқона тасвири билан безатилган чинни идишлар нафақат халқимизнинг, балки чет элликларнинг ҳам кундалик эҳтиёжига айланган. Сўзимизни исботи билан айтадиган бўлсак, шарқона услубда нафис қилиб ишланган «Узум» чинни сервиси Чехословакиянинг Брно шаҳрида европалик чиннишувослар томонидан Олтин медал ҳамда махсус диплом билан тақдирланган.

Ҳиссасдорлик жамиятида 1320 киши 3 сменада меҳнат қилади. Ишчиларнинг етиш фойзи хотин-қизлардир. Жамият бошқаруви раиси Болтақул Турақулов жамоа таркиби билан таништирар экан, жумладан шундай деди:

— Ҳиссасдорлик жамиятимизнинг асосини аёллар ташкил қилгани сабабли, биз

уларга қўлимиздан келганча енгиллик яратишга ҳаракат қиламиз. Масалан, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам берамиз. Оиласида ногирон боласи борларига даволаниш учун дам олиш масканлари ва санаторияларга бепул йўлланмалар ташкил қиламиз. Кам қонли ва ҳомилдор аёлларга бепул тушилик ташкил қилганмиз. Бундан ташқари, корхона қошида жойлашган 96-сон «Наврўз» номи болалар боғчасини ҳамда 6-сон «Меҳрибонлик уйи»ни ўз ҳомийлигимизга олганмиз. Ҳар бир байрамни болажонлар кўнгилдагидек ўтказишларига ёрдам берамиз.

Ҳиссасдорлик жамиятимиз 2000 йилни 15 млн. сўм соф фойда билан якунлади. Бу йилги режалар ўтган йилгидан ҳам катта. Ҳозирда 22 гектарлик спорт мажмуасини қуриш ишлари кетаяпти. Унда футбол майдони, теннис корти, баскетбол ва ватейбол майдонлари мавжуд. Қурилиш 1 сентябргача тугалланади. Биз ишчиларимизга маданий ҳордиқ чиқаришлари учун барча шарт-шароитларни яратаямиз. «Оналар ва болалар йили»да аёлларга енгиллик яратиш мақсадида 15 ўринли кундузги тиббий хизмат кўрсатиш бўлими ташкил қилинаёпти.

Хуллас «Нафис» ҳиссасдорлик жамиятида ишлар авж палласида. Ниятлар ҳам шунга яраша. Болтақул Турақулов яна янги иш ўринлари ташкил қилишга киришган. Холис ниятли кишиларнинг ишларига ривож тилаб, улар билан хайрландим. Самарқанд чиннилари асрлар оша авлоддан-авлодга мерос бўлиб қолажак ***.

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «ХУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.



Факс: 77-68-67.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«ХОРАЗМАВТОЙЎЛ»

давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси



“Йўли ободнинг — эли обод” деган доно нақл бор халқимизда. Ҳа, бу сўзлар худди “Хоразмавтойўл” Давлат ҳиссасдорлик бирлашмаси жамоасига қарата айтилгандай туюлади. Чунки Хоразмга келган киши йўлларнинг обод, равлонлигини ўз кўзи билан кўриб, бунга яна ишонч ҳосил қилади.

— Ҳар бир даврнинг ўзига хос йўллари бўлган, — дейди бирлашма раисининг биринчи ўринбосари Бойко Юрий Леонидович. — Ҳозирги замондаги текис ва равлон асфальт, бетон йўлларни илгари тасаввур қилиш ҳам қийин эди. Фақат мустақиллик шарофати билан бундай имкониятларга эга бўлдик. Вилоят йўлсозлари ўз фаолиятларини такомиллаштириб, ишда ислохотларни жадал жорий қилмоқдалар.

Хусусан, йўл қурилишларида янги технология ва техника воситаларини қўллаш мақсадида илгор тажрибалар, энг замонавий услублар чуқур ўрганилмоқда. Бошқарма мутахассислари чет элларда бўлиб, билим ва малакаларини ошириб қайтмоқдалар. Айниқса, йўлларни таъмирлашда асфальтнинг термогенерация қилиш усуллари ўрганилмоқда.

Бошқарма жамоаси ўтган 2000 йилни зўр муваффақиятлар билан якунлади. 1 млрд. 367 млн. сўмлик ўрнига, 1 млн. 624 минг сўмлик иш бажарилди. Бу 119 фоизни ташкил қилади.

2001 йилнинг олти ойи давомида 738 млн. сўмлик йўл ишлари режалаштирилган эди. Бу режа 904 млн. сўм қилиб бажарилди. Яъни 122 фоизни ташкил этди.

2000 йилда жамоа томонидан 795 километр йўл таъмирланиши керак бўлгани ҳолда, 797 километр йўл таъмирланган. Мазкур йилнинг 6 ойи давомида эса вазифа 130 километр ўрнига 157 километр қилиб уддаланди.

Ўтган йили ҳар бир ишчиға 14 минг сўмдан иш ҳақи тўғри келган эди. Бу йил бу рақам 17 минг 465 сўмни ташкил қилаяпти.

2000 йилда шаҳар ва туман кўчаларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш юзасидан 125 млн. сўмлик иш бажарилган. Шу йилнинг олти ойи давомида бу борада қилинган ишлар 128 млн. сўмликни ташкил этди.

Ўтган йили юридик ва жисмоний шахсларга 99 млн. 600 минг сўмлик хизмат кўрсатилган. Бу йил эса шу кунгача 63 млн. 600 минг сўмлик хизмат кўрсатилди. Шу билан бирга жамоа мебель, ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариб, меҳмонхона ва чойхоналарга ҳам хизмат кўрсатмоқда.

Хива шаҳрида бирлашма ҳисобидан “Кублотозабоғ” ёдгорлиги реставрация қилиниб, ресторан ва меҳмонхона очилди. Кемпинг хизмати йўлга қўйилган.

Ишчи-хизматчилар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Уларнинг дам олишлари, соғлиқ-саломатликларини муҳофаза қилиш юзасидан изчил чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Йўлсозлар меҳнати оғир ва масъулиятли. Ишлар қанча сифатли бажарилса, эл олқиши шунчалик залворли бўлади. Бу эса ишчи-хизматчиларнинг сидқидилдан меҳнат қилишларига боғлиқ. Шу сабабли ҳар бир ишчи-хизматчининг оилавий аҳволи, унинг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олиб борилади. Уларнинг тўймаъракалари, яхши кунлари бирлашма томонидан ўтказиб берилади. Барча маҳсулотлар бирлашма ёрдамчи хўжаликлари томонидан таъминланади.

Ҳар йили ишчи-хизматчиларнинг 150-160 нафар боласи идора ҳисобидан оромгоҳларда бепул дам олиб қайтишади.

Келинг, “Хоразмавтойўл” бирлашмаси билан ҳамкорлик қилинг!

РЕКЛАМА ВА ХУСУСИЙ ЭЪЛОНЛАРНИ «НУҚУҚ»ДА ЖОЙЛАШТИРИШ

Тел: 77-68-67, 77-59-31.

Факс: 77-68-67.

ФУТБОЛ. ЖЧ - 2002**ҲОҚОНАМА ФУТБОЛ
ИШҚИБОЗЛАРИГА
МУШТОҚ**

Кейинги йилларга келиб, "миллионлар ўйини" бўйича мусобақалар ўтказиладиган жойлардаги ҳуқуқ-тартибот ходимлари учун "футболсеварлар" муаммоси одадий ҳолга айланиб қолди. Мисол учун, Европада инглиз ёки турк футбол фанатлари каби ашаддий "футболсеварлар"дан зириллаган бирор каттароқ шаҳар кам қолди.

Маълумки, ХХI асрнинг футбол бўйича илк жаҳон чемпионати Корея ва Японияда бўлиб ўтади. Мусобақанинг финал қисми Токио яқинидаги Yokohama стадионида ўтказилиши мўлжалланмоқда. Мазкур стадион дунёдаги энг йирик стадионлардан бири саналиб, 70 минг ишқибозга мўлжалланган.

Япония полицияси ҳозирданок 2002 йилда ана шу стадионда бўлиб ўтадиган финал мусобақалари чоғида муҳлислар томонидан содир этилиши тайин бўлган безориликларнинг олдини олиш мақсадида махсус бўлинмалар ташкил этишни бошлаб юборган.

Турган гап, фанатлар тўполон кўтараётган пайтида ҳуши жойида бўлмайди. Футбол фанатларидан кўп жабр чеккан Европа шаҳарлари полицияси тажрибаси шуни кўрсатадики, жунбушга келган ҳар бир "футболсевар"ни тартибга чақириб қўйиш учун маҳаллий "омон"чиларнинг уч-тўрттаси овора бўлар экан. Энди япон полисменларини бир савол қўйнамोकда: Yokohamaга келадиган 70 мингдан зиёд футбол ишқибозлари ичида қанчаси ашаддийлардан экан?

Зоҳид тайёрлади

СКАНВОРД

Уругвай	↓	Асадова	↓	Кимёвий элемент	↓	Боғловчи	↓	Куфр	↓	Дарё, Франция
↓					↓					
Ўлка, Хитой				Ўлчов бирлиги Самолёт русуми	→			Хориж. авто		Ҳазал қисми
↓				↓		Қисқич-бака	→	↓		↓
Швед автоси		Византия	→			↓	Клод		Пайт, чоғ	
↓				Академик			Чалғи	→	↓	
Жўжа	Шаҳар, Франция	Заряд	→	↓		Туб	→			
↓		↓					↓	Фарз		Афсонавий бой
Қайиш	Шаҳар, Ўзбекистон		Бўёқ			Чалғи	→		↓	
Қабоб	↓		↓					Товуш	Ҳаё	
↓				Нота	Маҳбус	→	↓	↓		
Тўзон		Аляска	→		Райхон Беруний	→				
↓				Одам	→					

Тузувчи Т. РАҲИМОВ

**«АЁЛ САҲОВАТИ»
ФИРМАСИ**

Сизларни замонавий касбларни ўқитиб, ўрганишнингиз учун ўқитишга тақдир этади.

3 ойлик

1. Инглиз тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
2. Араб тили (бошловчилар ва давом эттирувчилар учун)
3. Ақшерилик - амалиёт билан.
4. Ҳамширалик - амалиёт билан.
5. Бичиш ва тикиш - амалиёт билан.
6. Сартарошлик - амалиёт билан.

2 ойлик

1. Компьютер (болалар ва катталар учун)
2. Косметология - амалиёт билан.
3. Массаж - амалиёт билан.
4. Аёллар костюми ва плаши, пальтосини тикиш - амалиёт билан.
5. Замонавий пардалар, чойшаблар ва безакли ёстиқлар тикиш - амалиёт билан.
6. Торт, пишириқлар ва салатлар тайёрлаш.
7. Тарбиячилик - амалиёт билан.

1 ойлик

1. Тўқувчилик - амалиёт билан.
2. Маникюр ва педикюр - амалиёт билан.

Ўқиниш битирганларга диплом берилади. Ўқиниш жараёни сиз хоҳлаган усулда. Қабул вақти: соат 9.00 - 16.00.

Манзил: «М-26», 4 қаватли 10-ўй, 1-хонадон. Мўлжал: Чорсу эски трамвай йўли, «Гулобод» маҳалласи. Тел.: 42-13-61, 199-47-05, 46-19-45.

Моҳият

Ҳамиша ярағил халқ
хизматида,
Безак бўл оламу одам
зотида.

ҲАНЖАВИЙ

**ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ
ОБОД БЎЛСИН!**

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жамоаси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бошқармаси прокурори Р.Жўраевга отаси

Суюнбой Жўраевнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририяти жамоаси «Қонун ҳимоясида» журналининг масъул котиби Ғ.Алимовга отаси

Усмон АЛИМОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЛАТФИФАЛАР

Чуққа ҳайвонот боғига борди. Филнинг қафаси олдида тўхтаб томоша қилди ва деди:

— Бунинг гўшти бутун овулга етади.

Илонни кўриб эса:

— Бу билан бутун бошли китни овлаш мумкин, — деди.

Кейин эса маймунни кўриб деди:

— Вой, қайнонажон, бу ерда нима қиялпсиз?

Аёл такси тўхтатди:

— Туғуруқхонага, фақат жудаям тез ҳайдаманг. Мен бор-йўғи у ерда ишлайман...

— Дўхтир, негадир менинг оёқларим йилдан-йилга қорайиб кетяпти...

Врач мижознинг оёқларига узоқ тикилиб туриб, сўради:

— Сиз уларни ҳеч юганмисиз?

— Нима, фойдаси бўлармикин?